Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 140 (20. 707) • 1990 йил 21 июнь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

● КАЛУГА. Бу ерда очилган космик биология ва авиакосмик табобат мавзусидаги тўққизинчи Бутуниттифоқ илмий конференцияси ишида турли мамлакатлардан келган икки юздан зиёд олим иштирок этмоқда. Анжуман қатнашчилари космик парвозлар чоғида ўтказилган биологик ва тиббий тажрибалар якунларини муҳокама қиладилар. Бундан буёнги илмий изланишлар йўналишлари ҳам белгилаб олинади: Совет ва Америка олимлари ҳозирнинг ўзидаёқ Марсга қилинадиган космик экспедицияга бағишланган давра суҳбати ўтказиш ниятидалар.

● ЧУМИКАН. Хабаровск ўлкасининг Охота денгизи соҳилидаги қисмида истиқомат қилувчи якутлар учун уларнинг она тилида дастлабки радиоэшиттиришлар янгради. Ахборот-публицистик программани маҳаллий радиоэшиттириш ходимлари миллий мактаблар Бутуниттифоқ илмий-текшириш институти Якутия филиалининг мутахассислари билан биргаликда тайёрлашди. Охота денгизи соҳилларида ҳозир минглаб якутлар истиқомат қилади. Она тилида мунтазам радиоэшиттиришлар бериб борилиши, газеталар чиқиб туриши миллий маданиятнинг, мухтор жумҳурият билан алоқаларнинг ривожланишига ёрдам беради.

● ЦЕЛИНОГРАД. Сейфуллин номли совхоз ўтган йилдан бошлаб фақат олий нав буғдой топширяпти. Бунга эришишда совхоз вилоят нон маҳсулотлари бирлашмасидан сотиб олган дон қабул қилиш корхонаси ёрдам берди. Бу ерда донни қуритиш хоналари ҳам, транспорт қурилмалари ҳам, тозалаш машиналари ҳам бор.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида АХБОРОТ

20 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Сессия секретариатининг тушган саволлар, телеграммалар, мурожаатномалар тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари навбатдаги масалаларни кўриб чиқишга ўтадилар. Ўзбекистон ССР баъзи вилоят ва Тошкент шаҳар судларининг аъзолари сайланди.

Сессияда Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг суверенитети тўғрисида декларация қабул қилинди.

Депутатлар қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари доимий комиссияси раиси депутат Э. Х. Халиловнинг Ўзбекистон ССРнинг баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги, шунингдек савдода суиистеъмоллар ҳамда чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги маърузасини тингладилар.

Музокараларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари К. Баҳриев, З. Нуриддинов, П. И. Сандазимов, Ю. Нишонов, З. Иброҳимова, А. Ҳ. Тожиев, З. Т. Тўлаев, Т. Баркашев, А. А. Юсупов, Т. Ш. Ширинқулов ва бошқалар қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Президентини таъминлаш, унга хизмат қилиш ва уни муҳофаза этиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Депутатлар тегишли қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза этиш давлат комитетининг ҳуқуқий мақомини ўзгартиришга доир қарор қабул қилинди — унга бошқарувнинг идорадан юқори турувчи органи ваколатлари берилди ва энди у бевосита Ўзбекистон ССР Олий Советига бўйсунади.

Халқ депутатлари Ўзбекистон ССРнинг Конституцион комиссиясини тузадилар.

Қозоғистон ССР Олий Советининг Ўрта Осиё жумҳуриятлари парламентлари ва ҳукуматларига мурожаати юзасидан қарор қабул қилинди.

Депутатлар Ўзбекистон ССРда Мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишга қайтдилар. Қонун лойиҳаси янги мулоҳазалар ва қўшимчалар тушганлиги муносабати билан биринчи муҳокамада қабул қилинди ва у доимий комиссияга узил-кесил ишлаб чиқиш учун юборилди, ушбу қонун лойиҳаси келаси сессияда тасдиқланадиган бўлди.

Халқ депутатлари Ўзбекистон ССРда Ер тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Халқ сўзи» рўзномасини нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Олий Советининг СССР Президенти М. С. Горбачевга ва СССР Олий Советига мурожаатномаси қабул қилинди. Унда СССР Олий Совети Мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари комитетининг граждан министрликлари ва идоралари таркибига кирадиган ҳарбий қурилиш бўлинмаларини тарқатиб юбориш ҳақидаги қарори маъқулланади. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари мамлакат Президенти ва парламентини ушбу қарор амалга оширилишини тезлаштиришга чақирдилар.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мудофаа масалалари ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш комиссиясини тузиш тўғрисидаги қарорни тасдиқладилар.

Сессияда Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи теварагидаги районларда экология муҳитини яхшилаш юзасидан Тожикистон ССР Олий Советига мурожаатнома қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссияларининг номини доимий комитетларга айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Конституциясига тегишли ўзгартишлар киритилади.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Советининг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бошқа бир қанча масалаларни муҳокама қилдилар.

Шу билан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини тугатди.

Россия партия конференцияси тўғрисида АХБОРОТ

1990 йил 19 июнь куни Москвада, Кремлдаги Съездлар саройида эрталаб соат 10 да Россия партия конференцияси иш бошлади. Конференцияни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби, КПСС Марказий Комитетв Россия бюросининг раиси ўртоқ М. С. Горбачев очди.

Делегатлар конференциянинг раҳбар органлари: ҳайъатини, котибиатини, таҳрир ва мандат комиссияларини сайладилар.

Батафсил фикрлашиб олинганидан сўнг иш тартиби ва кун тартиби тасдиқланади:

1. Ҳозирги пайт ва Россия Федерацияси Коммунистик партиясини тузиш тўғрисида.

2. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳалари ҳақида.

Кундузги мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков раислик қилди. Конференция қатнашчилари М. С. Горбачевнинг «Россия ва бутун мамлакат тақдири учун масъулият билан» маърузасини тингладилар.

Сўнгра Россия партия конференцияси тайёргарлик комитетидан — И. П. Осадчий, «КПССдаги демократик ҳаракат дастури»дан — В. Н. Лисенко, «КПССдаги марксча ҳаракат дастури»дан — А. И. Колганов, Россия коммунистлари ташаббускор съездидан — В. А. Тюлькин қўшимча маъруза қилдилар.

Муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан музокараларда Забайкалье темир йўлининг Читадаги Е. М. Ярославский номли локомотив депоси тепловоз машинисти В. И. Ладигин, КПСС Мурманск вилоят комитетининг биринчи котиби С. Л. Серокуров, Мордва АССР Саранскдаги «Резинотехника» заводи партия комитетининг котиби Н. Ф. Сульдяйкин, Вологда областидаги Устьянск районидаги ўрта мактаб директорининг ўринбосари Т. И. Ляпакова қатнашдилар.

Кечки мажлисда баҳслар давом этди.

КПСС Марказий Комитетининг котиби, КПСС Марказий Комитети Россия бюросининг аъзоси Ю. А. Манаенков раислик қилди. Музокараларда КПСС Саратов шаҳар комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари шаҳар Советининг раиси В. Г. Головачев, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи котиби Б. В. Гидаспов, Волгабўйи — Урал ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони А. М. Макашов, КПСС Калуга область Обнинск шаҳар комитетининг биринчи котиби Г. И. Скляр, Татаристон АССР Зеленодольск шаҳридаги А. М. Горький номли завод кемасозлари бригадири Е. И. Яркин, КПСС Кемерово вилоят комитетининг биринчи котиби А. Г. Мельников сўзга чиқдилар.

Юксак мукофот

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон жумҳуриятининг Президенти И. А. Каримов Самарқанд область Нурота районидаги қоракўлчиликка ихтисослашган «Қизилча» давлат наслчилик заводининг директори Мирзан Нурбоевга кўкракка тақиладиган «СССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» нишонини топширди. Бу юксак унвонга у чорвачиликни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун мамлакатда биринчи бўлиб сазовор бўлди.

М. Нурбоев бундан ўн саккиз йил муқаддам қолоқ хўжаликни бошқаришга киришган эди. Эндиликда мазкур хўжалик Ўзбекистондаги энг рентабелли жамоалардан бирига айланди. Болалигидан бошлаб чўпонлик қилган бу заҳматкаш инсон ўз касбининг машаққатларини жуда яхши билади. У раҳбарлик қила бошлагандан буён давлат наслчилик заводи ҳудудида касалхона, шифокорлик пунктлари, болалар боғчаси, иккита ўрта мактаб биноси, чўпонлар фарзандлари учун интернат, минг квадрат метр ҳажмда уй-жой бинолари барпо этилди, хўжаликнинг марказий қўрғонига водопровод орқали ичимлик сув келтирилди.

Хўжалик меҳнаткашлари бундай ғамхўрликка жавобан ҳалол меҳнат қилмоқдалар.

«Қизилча» давлат наслчилик заводи ўн марта Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолибликни қўлга киритишга сазовор бўлди.

Самарқанд вилояти коммунистлари Мирзан Нурбоевга катта ишонч билдириб, уни КПСС XXVIII съездига делегат қилиб сайладилар.

Суратда: мукофотни топшириш пайти.

Р. ШАГАЕВ олган сурат

(ЎзТАГ).

«Космос—2083» учирилди

1990 йил 19 июнь куни Совет Иттифоқида «Союз» учирувчи-ракетаси ёрдамида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос—2083» учирилди.

(ТАСС).

РОССИЯ КОММУНИСТЛАРИ: ЙЎЛНИ ТАНЛАШ ПАЙТИ

19 июнь куни Кремлдаги Съездлар саройида Россия партия конференцияси иш бошлади.

Партиянинг, Россия Федерациясининг, бутун мамлакатнинг, қайта қуришнинг тақдири тўғрисида чуқур ўйлар, жиддий ташвишлар, минглаб долзарб саволларни КПСС XXVIII съездининг делегатлари — конференция қатнашчилари ўзлари билан пойтахтга олиб келдилар. Улар баҳс-мунозаралар давомида барча мулоҳазалар ва фикрларни ҳисобга олиб, энг кўп даражадаги рўйростлик ва партиявий ўртоқлик муҳитида жўн бўлмаган жавобларни ва ечимларни, жипслашиш йўлларини топишларига тўғри келади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби, КПСС Марказий Комитети Россия бюросининг раиси **М. С. Горбачев** конференцияни очар экан, Россия Федерацияси партия ташкилотларидан 2768 киши партия XXVIII съездига делегат этиб сайланганлигини, айни шулар конференциянинг делегатлари эканликларини маълум қилди. Ҳозир конференция ишида 2744 делегат қатнашмоқда, 200 ишчи ва деҳқон таклиф этилган, уларни партия ташкилотлари анжуманга юборганлар. Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг вакиллари ҳам келишган.

Конференциянинг вакиллар кенгаши тавсия этган ҳайъати сайланади.

Сўнгра эрталабки мажлис қатнашчилари конференциянинг ишчи органларини тузишга киришдилар.

Делегатлар кун тартибини ва иш тартибини кўриб чиқдилар. Делегациялар вакиллари кенгашининг таклифига мувофиқ конференция қатнашчилари муҳокамасига икки масала қўйилди: ҳозирги пайт ва Россия Федерацияси Коммунистик партиясини тузиш тўғрисида, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳалари ҳақида. Шу масалалар юзасидан ягона маъруза қилиш ва сўнгра умумий муҳокама ўтказиш таклиф этилди.

Сўзга чиққан кишилар бир қанча таклифларни айтдилар.

М. С. Горбачев муҳокамага якун ясади. У делегатларга партия ташкилотларида, конференция арафасида делегациялар вакилларининг кенгашида бўлиб ўтган мунозаралар тўғрисида ахборот берди, делегациялар вакиллари кенгаши таклиф этган кун тартиби хусусида ўз нуқтаи-назарини асослаб берди.

Натижада шу кун тартиби конференция қатнашчилари томонидан тасдиқланди.

М. С. Горбачев «Россия ва бутун мамлакат тақдири учун масъулият билан» мавзусида маъруза қилди.

Тайёргарлик комитети номидан **И. П. Осадчий** сўзга чиқди.

Сўнгра, келишилганидек, делегатлар қўшимча докладларни тингладилар. «КПСС демократик дастури»дан С. Оржоникидзе номли Москва авиация институти доценти **В. Н. Лисенко**; «КПССдаги марксча дастур»дан — **А. И. Колганов** сўзга чиқдилар, яқинда Ленинградда бўлиб ўтган «Россия коммунистлари ташаббус съезди» позициясини «Авангард» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг котиби **В. А. Тюлькин** баён қилиб берди.

Шундан сўнг музокаралар бошланди. Делегатлар РСФСР Коммунистик партиясини тузиш ғоясини қўллаб-қувватладилар. Баъзи нотиқлар КПСС Марказий Комитети Россия бюроси умидларни оқламади, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажармади, деб таъкидладилар. Бўлажак Компартия КПСС доирасида қолиши ва иттифоқдош республикаларнинг барча Компартиялари билан тенг шароитда КПССнинг ягона Устави негизида ва программ мақсадлар муштараклиги билан ҳаракат қилиши лозим. Партиядаги танглик, хусусан бошланғич партия ташкилоти амалда унинг иккинчи даражали қисми, юқори партия органларига итоаткор «машина» бўлиб қолганлиги оқибатида юз берганлиги таъкидланди. Таркиб топган ўзаро муносабатлар системаси бошланғич партия ташкилоти ва умуман партия ҳаётига ҳалокатли таъсир қилди. Делегатлар бошланғич партия ташкилотларидаги коммунистларнинг кайфиятлари тўғрисида гапириб, улар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари партиянинг бўлажак XXVIII съездида қайта қуриш йилларида амалга оширган ишлари тўғрисида шахсан ҳисоб беришларини талаб қилаётганликларини айтдилар.

Нотиқларнинг фикрича, Россия Компартиясининг қатъияти энг аввало иттифоқдош жумҳуриятлар ўртасида ўзаро муносабатларнинг янги системасини барпо этишда намоён бўлиши лозим. Нутқларда Ленинграддаги ташаббус съезди қарорлари танқид қилинди.

Жамиятдаги барча структуралар орасида армия билан флот моҳиятини ва шакли жиҳатидан давлатнинг энг ёркин рамзларидир, деб таъкидланди конференцияда. Кимки давлатни таг-туг бигача вайрон қилишни хоҳласа, Қуролли Кучларни, Ички ишлар министрлиги ва Давлат хавфсизлиги комитетини ёмонлай бошлайди. Армия ва флот коммунистлари Марказий Комитет, Сиёсий бюро ва ҳукуматнинг ўз ҳимоячиларига нисбатан ҳаракатсизлигидан ғазабланмоқдалар.

Конференция 20 июнда ўз ишини давом эттирди.

* * *

Делегатлар кечқурун В. И. Ленин мавзолейига гулчамбар қўйдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида жумҳуриятнинг иқтисодий мустақилликка ва бошқариб туриладиган бозор иқтисодиётига ўтиши масалалари хусусида кенгаш бўлганлиги илгари хабар қилинган эди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатда юзага келган мураккаб вазиятда реал ҳаётга таяниш, умумий, мавҳум ҳамда биландпарвоз сўзларга асосланиб эмас, балки конкрет шароит, реал имкониятларга амал қилиш энг муҳим ишдир. Асосийси эса оёқда маҳкам туришимиз, халқ билан доимий равишда маслаҳатлашишимиз, унинг ҳаётини яхшилаш учун аниқ-равшан йўлларни излашимиз ва топишимиз керак, деб таъкидлади у.

Бугунги кунда, энг аввало, бир дақиқани ҳам бой бермасдан иқтисодий масалаларни ҳал этиш керак.

Биз учун асосий йўналиш, барча вазифаларни ҳал этиш калити — Ўзбекистоннинг реал сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашдир. Ўзбекистон Компартияси XXII съездида ушбу тушунчаларнинг моҳияти тўғрисида батафсил гаплашиб олинди.

Мустақиллик жумҳуриятга ўз халқининг фаровонлигини яхшилашдек ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш, вужудга келтирилган имкониятлар ва ресурсларни тўлалигича мустақил равишда режалаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда ўз халқининг фаровонлиги йўлида ва ўзаро фойдали негизда марказ билан, бошқа жумҳуриятлар ва хорижий мамлакатлар билан ўз муносабатларини мустақил ўрнатиш имконини беради.

Хўш, бу вазифани аниқ бажариш мумкинми? Ҳа, аниқ бажариш мумкин, бундан бошқа йўл йўқ. Агар биз аввал бўлганидек, жумҳуриятимиздан арзимаган нархда ишлаб бўлган барча нарсаларнинг ташиб кетилиши билан муроса қилишни хоҳламасак, марказда бизга нимани лозим ва етарли деб ҳисоблашлари билан муроса қилишни хоҳламасак, шундай йўл тутишимиз зарур. Бошқа иложимиз йўқ.

Аниқ иқтисодий ҳисобкитоблар сиёсий ва иқтисодий мустақилликка ўтиш ушбу вазифанинг бутун мураккаблиги ва ниҳоятда қалтислигини ҳисобга олганда, айни вақтда бозор иқтисодиёти жорий этилиши билан осон кечиши мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Лекин ана шу мустақилликнинг бугунги жамиятимизда йўқ бўлган нарсаларни — ҳақиқий меҳнат қилишга интилишни, самарали иш учун моддий омилларни беришга қодир. Бунда — ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам, келажакда ҳам — бутун муаммонинг моҳияти яшириниган. Кўп йиллик аччиқ тажриба қандай таёқ остида ишламайлик — хоҳ у план бўлсин, хоҳ давлат буюртмаси ёки давлат йўли билан маҳсулот етказиб бериш бўлсин — фақат арзимаган самара келтиришини кўрсатиб турибди. Чунки бундай система инсоннинг ижодий ташаббусини фалаж қилади, ундаги эгалик ҳиссини йўқотади. Норозилик келтириб чиқаради.

Халқнинг энг яхши фазилатлари намоён бўлиши учун йўл очиш керак — бу ўз кучига ишонч, ҳақиқий меҳнатдан манфаатдорлик, ўзи учун масъулият ҳисси бўлиб, бу масъулиятни бошқа ҳеч кимнинг зиммасига юклаш мумкин эмас. Ўн йиллар мобайнида одамларда инқирозга юз тутган ана шу ҳис-туйғуларни уйғотиш сиз билан бизнинг вазифамиздир.

Буни қандай қилиш керак, ҳар бир ишчи, деҳқон ва хизматчига рўй бераётган жараёнларнинг моҳиятини қандай етказиш ва тушунтириш керак?

Бизга мустақиллик керак. Бинобарин, ҳар доим, ҳамма даврда ва барча тузумларда мулк ҳуқуқи ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий мустақилликнинг ҳал қилувчи шарти бўлган. Бу нима дегани? Агар мен нимагадир эга бўлсам, ана шу мулкдан ўз манфаатларим йўлида фойдаланаман ва уни тасарруф этаман, демак, мен мулк эгасиман. Худди шу ерда менинг шахсий эркинлигим, мустақиллигим ва айни вақтда жамиятдаги бошқа одамлар орасидаги ўзаро алоқаларимнинг асоси бор. Айни пайтда эгалик ҳуқуқи фақат моддий бойликларгагина тааллуқли эмас. Бу ақлий қобилиятга ҳам тааллуқлидир. Мустақил шахсларнинг уйғунлиги эса бутун жамият мустақиллигининг асосидир.

Жумҳуриятда мулк билан боғлиқ ишларнинг аҳволи қандай? Сизларнинг ҳаммангиз жумҳурият идоралари ўз ҳудудидаги барча ишлар ва нарсалар учун жавоб бериши хусусида минг марталаб эшитгансиз ва ўқигансиз. Лекин ишларнинг аҳволи аслида қандай?

Агар иқтисодий қувватимизни ташкил этадиган барча асосий фондлар бугунги кунда юз миллиард сўм ҳисобланса, ҳозир амал қилаётган тартибга кўра, қариб 30 миллиард сўм пул Иттифоқ тобелигидадир. Ишлаб чиқаришнинг асосий фондларида эса бу мутаносиблик янада ёмон. — Бу соҳада маблағларнинг бешдан икки қисми Иттифоқ тобелигида, шу жумладан саноатда ана шу маблағларнинг деярли 70 фоизи, транспортда ҳамда моддий-техника таъминотида, илмфанда 30 фоизга яқини Иттифоқимизга тегишли.

Зотан, Конституцияга кўра, барча давлат мулки (бу ҳамма асосий фондларнинг деярли 90 фоизини ташкил этади) «Бутун совет халқига» тегишлидир — Қонунда худди шундай деб ёзиб қўйилган. Модомики, жумҳуриятимиз ўз бойликларини тасарруф эта олмас экан, унинг қандай масъулияти ҳақида, жумҳурият халқининг қандай мулки ҳақида гап борши мумкин?

Ҳозир жумҳурият Олий Советининг доимий комиссияларида бутун тарихимиз давомида биринчи марта Ўзбекистон ССРнинг Мулкчилик тўғрисидаги Қонуни тайёрланиб бўлинмоқда. Бу чинакам мустақиллик сари ташланган дастлабки қадам, иқтисодий ўзаро муносабатларга мутлақо янги ёндашув бўлади.

Бунда энг муҳим нарса нима?

Биринчи: жумҳурият мулки мустақил ва у федерациядан ажратилган.

Иккинчи: ўлкамиз замини, ер ости бойликлари, корхоналари ва ташкилотлари Ўзбекистон ССРнинг мутлақо ўз мулки ҳисобланади. Ана шу бойликларимиз мустақиллигимизни, жумҳуриятимизнинг маданий ва тарихий қадриятларини таъминлайди.

Учинчиси. Ўзбекистонда мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини ривожлантираверишга кўзда тутилмоқда. Бу шакллар тенг ҳуқуқли бўлиши керак.

Бу — мазкур муаммога жуда умумий ёндашувнинг, уни ҳал этишнинг асоси эканини тушуниб турибсизлар. Бу масаланинг ҳал этилишини орқага суриб бўлмайди, аммо шу билан бирга, у ҳар томонлама пухта, чамалаб ўйлаб кўрилиши керак.

Саноат, қурилиш, деҳқончилик саноати мажмуи, ашёвий моллар ишлаб чиқариш соҳаларининг етакчи тармоқларидаги корхоналар жумҳуриятнинг мулки бўлиши кераклиги ҳозир равшан. Шу билан бирга бу корхоналарни бизга амалий равишда топшириш навбати ва тартибини аниқ белгилаш зарур.

Жумҳуриятнинг табиий бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча хом ашё тармоқлари ҳам жумҳуриятнинг мулки бўлиши кераклиги шубҳасиз. Бинобарин, бу бойликларни Ўзбекистоннинг ўзи тасарруф қилади. Албатта, Иттифоқ министрликлари, идоралари билан ўзаро алоқа боғлаб, тасарруф қилади, чунки айрим ишлаб чиқаришларни биз ўзимиз мутлақо юксалтира олмаймиз. Аммо бу иш ўзаро манфаатли асосда бўлиши керак. Шу билан бирга жумҳурият хом ашё бойликларининг хўжайини, мулкдор бўлиши, Иттифоқ идораси эса таклиф этилган шерик бўлиши лозим. Бу соҳада жумҳурият ҳал қилувчи роль ўйнайдиган бўлади.

Хўш, ҳозир ишларнинг аҳволи қандай? Кимё маҳсулотидан тортиб, бизнинг асосий бойлигимиз бўлган пахта толасигача 90—100 фоизи хом ашё сифатида қайта ишлаш учун бошқа регионларга ва чет элларга жўнатилмоқда. Жумҳуриятда қазиб олинаётган мис, қўрғошин, руҳ ва бошқа рангли металларнинг ярмиси олиб кетилмоқда. Олтинга келганда, унинг ҳаммаси мамлакатнинг валюта фондига бориб тушмоқда.

Мулкчилик ҳуқуқига ёндашувнинг тубдан ўзгартирилиши бизнинг иттифоқдош жумҳуриятлар ва марказ билан ўзаро муносабатларимиз маазмуни ҳамда характерини тубдан қайта кўриб чиқишни мантиқан талаб қилади, зеро бусиз сиёсий ва иқтисодий мустақиллик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бир томондан бизни Ўзбекистон суверен давлат, деб ишонтириб келдилар ва ҳозир ҳам ишонтирмоқдалар. Бу гап ҳатто СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига ёзиб қўйилган. Бироқ иккинчи томондан, Иттифоқ идораларининг сон-саноқсиз низомлари ва йўл-йўриқлари жумҳуриятнинг

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ ХУСУСИДА

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

қўл ва оёғини боғлаб қўйганлиги ҳар бир кишига равшан. Биз ҳатто бир ёки икки минг тонна пахта толасини бир неча Иттифоқ идораларининг ижозатисиз ўз билганимизча сота олмаймиз!

Жумҳуриятнинг Иттифоқ таркибидаги суверенитети қонуний даражаси қайси ҳуқуқий ва иқтисодий асосга таянади?

Бизнинг бу хусусдаги фикримиз равшан. Биз Иттифоқ тарафдоримиз, аммо жумҳуриятнинг чинакам сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллиги таъминланиши керак. Жумҳуриятнинг ўзи ихтиёрий равишда берадиган масалаларгина Иттифоқ ва унинг марказий идоралари ҳуқуқ доирасига кириши керак. Бу муаммоларнинг барча сиёсий ва ҳуқуқий нозик жиҳатларига тўхталмай, шуни айтмоқчиман: жумҳуриятнинг қонун чиқарувчи олий органи ҳуқуқшуносларни, тарихчиларни, иқтисодчиларни, миллий масалалар билан шуғулланувчи мутахассисларни, жамоат ташкилотларини жалб қилиб, Ўзбекистоннинг янгиланган федерациядаги ўзаро муносабатлари қандай бўлиши кераклигини синчиклаб кўриб чиқиши керак. Энг муҳими эса — янги Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқишга тезроқ киришиш лозим. Янги Иттифоқ шартномаси имзоланмай туриб, СССР Олий Советининг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги ваколатларни фарқлаш тўғрисидаги ва кейинги вақтда қабул қилинган бошқа ҳар қандай қонунлари ишлай олмайди. Иттифоқ шартномаси мамлакатни қутқариб қолиши, уни инқирозлардан чиқариб олиши мумкин бўлган бирдан-бир асос бўла олади.

Ҳаёт бир жойда турмайди, у кун сайин, соат сайин минглаб янги саволларга аниқ жавоб кутади. Хўш, мана шундай шароитда биз қандай иш тутишимиз керак? Умри тугаган ҳуқуқий қоидалар ва низомларнинг ҳарфига кўр-кўрона итоат қилиб, шу тарика янги иқтисодий можароларни келтириб чиқарайликми ёки ҳозирги кун талаблари ва воқеликларини эътиборга олиб, қарорлар қабул қилайликми? Биз ҳаракат қилишимиз зарур, деб ҳисоблаймиз ва ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки қадамларни қўйдик. Чунончи, яқинда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида хом ашё ва енгил саноат маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиш бош бошқармаси — «Узглавлегснабсбит»ни ҳамда ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитетини ташкил этиш тўғрисида Президентнинг Фармонлари эълон қилинди.

Бу чоралар кўрилишини нималар тақозо этди? Ўтмишда Иттифоқ идораларидаги ҳаддан ташқари марказлашув оқибатида қандай тартибсизлик вужудга келганига бир назар ташланг. Хом ашё бойликларини ҳисобга олиш ва тақсимлашнинг барча масалаларини маҳаллийлаштиришга оид тадбирлар ҳам ёрдам бермади. Аслида олтита Иттифоқ ва жумҳурият ташкилоти мавжуд бўлишига қарамай, енгил саноат хом ашёсини тақсимлаш ва реализация қилишни мувофиқлаштиришга эришилмади. Жумҳуриятнинг манфаатлари ҳақида ҳеч ким ўйламади, қимматбаҳо хом ашё қаёққа кетаётганини ҳеч ким назорат қилмади. Мана шунинг оқибатида пахта толаси ва қорақўлнинг 90 фоизи, табиий жуннинг 71 фоизи, синтетик толанинг 93 фоизи, пилла ва чарминнг анчагина қисми арзимас баҳо билан жумҳуриятдан олиб кетилаверди. Ички бозорда ҳам, жаҳон бозорида ҳам кўплаб талаб қилинаётган мана шу ғоят қимматли хом ашёнинг кўпчилик қисми Шарқий Европа мамлакатларига экспорт қилинмоқда, улар эса бу маҳсулотларни жаҳон нархларида капиталистик фирмаларга сотмоқдалар.

Ҳолбуки, ўзимиздаги кўпгина корхоналарга хом ашё етишмаяпти, биздан олиб кетилган ресурслардан тайёрланган молларни эса жумҳурият бошқа регионлардан ва чет эллардан уч ҳисса ортиқ нарх билан сотиб олмоқда.

Бизнинг ўз бойликларимизга бундай муносабат, юмшоқ қилиб айтганда, нақадар бемаъниликларга олиб бориши мумкинлигини шундай бир мисолдан билса бўлади. Ҳар йили жумҳурият марказнинг топшириғини бажариб, Шарқий Европа мамлакатларига 400-430 минг тонна миқдорида пахта толаси жўнатмоқда. Бизнинг корхоналаримиз бу маҳсулот учун валюта ажратмаларини 1987 йилдагина, шунда ҳам оз миқдорда ола бошлади. Чунончи 1988 йилда Иттифоқ бизга ажнабий валютада 78 миллион сўм пул тўлади. Ву етказиб берилган тола қийматининг бешдан бир қисмига ҳам етмайди. 1989 йилда 130 миллион сўм тўлади. Шу йилнинг биринчи кварталида экспорт қилувчи корхоналар 77 миллион сўм пул олди. Олинган пулнинг 70-80 фоизини бешинчи категория деб аталган ва аслида ҳеч нарса сотиб олиб бўлмайдиган валюта ташкил этганлиги сир эмас. Бироқ ҳақиқатда бизнинг корхоналаримиз шу пулдан ҳам маҳрум этилди, чунки Иттифоқ ташкилотлари бу валютани ўз мақсадлари учун тўла-тўкис ишлатиб юбордилар. Бутун мана шу давр мобайнида жумҳурият мазкур маблағдан атиги 50 миллион сўмни ишлатишга муваффақ бўлди, ҳозиргача яна имзоланган 32 миллион сўмлик шартнома бор, пахта тозалаш тармоғининггина корхоналари ҳисобида қолган пул эса 180 миллион сўмдан ошади. Бу йил ҳаммаси бўлиб, ростини айтганда, тахминан ярим миллиард сўмлик мана шундай валюта тушиши кутилмоқда. Бизга маълум бўлмаган қандай мулоҳазалар билан Иттифоқ идоралари бизнинг бу йилги деярли ҳамма пахтамизни бешинчи категория валютага сотиб юборганлар.

Энди бўлса ўша ташкилотларнинг ўзи 1 июлдан бошлаб корхоналаримизнинг варақаларини ҳаракатсиз қилиб қўйишни ва сўнгра бутунлай йўққа чиқаришни мўлжалламоқдалар, бунга асло қўшилиб бўлмайди. Бинобарин янги тузилган комитет, ташқи иқтисодий банк Госплан билан, Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда зудлик билан қатъий ҳаракат қилиб, варақаларда мавжуд бўлган маблағдан 25-27 июнгача фойдаланиш имкониятини топишлари керак.

Айни пайтда ташкил этилган «Узглавлегснабсбит» иккинчи ярим йилликда бешинчи категория валюта учун маҳсулот етказиб берилиши кўзда тутилган шартномаларни пухта тафтиш қилиши лозим. Бунинг маъноси шуки, Иттифоқ ташқи савдо ходимлари бизга етказиб берадиган маҳсулотларга қуруқ қоғоз билан ҳақ тўламоқчи бўлсалар, унда жумҳуриятимиз ўзининг чораларини кўради: пахтамиз ва бошқа хил молларимизни ҳақиқий, қатъий валютага сотиб олишни истаётган харидорлар керагидан кўп ва биз улар билан ўзимиз шартнома тузамиз. Биз чет элга 120-130 минг тонна тола етказиб беришимиз керак. Бу эса ҳозирги оғир шароитда республикага жуда зарур бўлган 150-200 миллион доллар демакдир.

«Узглавлегснабсбит» ташкилотига иккинчи ярим йилликда мамлакатнинг бошқа регионларига пахта толаси етказиб бериш учун тузилган битимларни пухта кўриб чиқиш вазифаси ҳам топширилади. Масала қуйидагича ўртага қўйилган: биз шерикларимиз ўз мажбуриятларини қатъий бажарган ҳамда бу муносабатлар фойдали ва тенг ҳуқуқли бўлган тақдирдагина уларнинг илтимосини қондирамиз.

Кейинчалик биз барча ресурсларимиз сарфланадиган устун жиҳатларни пухта аниқлаб олишимиз зарур. Бунда биринчи галда нефть ва нефть маҳсулотлари, дон ва ун, гўшт, сут, қанд-шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек ёғоч-тахта, металл, асбобускуналар ва техника харид қилишимиз зарурлигига асосланишимиз лозим. Бизга ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий даражасини ошириш, одамларни иш билан таъминлаш учун замонавий ихчам технологиялар зарур.

Жумҳурият манфаатларини кўзлаб, ягона ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитетининг вазифасига киради. Мазкур ташкилот иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни самарали ривожлантириш учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олади.

Айни пайтда комитет министрликлар ва идораларда, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларида чет мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантиришга оид ишлар даражасини қатъий назорат қилиб туриши лозим.

И. А. Каримов иқтисодий суверенитетга эришишнинг амалий масалаларига батафсил тўхталди. Иқтисодиётимизнинг ҳаётий қобилиятини таъминлаб турган Иттифоқ қарамоғидаги барча корхоналар ва ташкилотларни жумҳурият мулкига ўтказмай туриб, жумҳуриятнинг хўжалик мустақиллигини тасаввур қилиб бўлмайди.

Энг аввало булар бизнинг хом ашёмизни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан банд бўлган корхоналардир. Сўнгра жумҳуриятимиз иқтисодиётининг асосини ташкил этган қайта ишлаш саноати корхоналари тўғрисида гапирмоқчимиз. Бунда Иттифоқ министрликлари бизга мерос қилиб қолдирадиган жиҳатларни пухта таҳлил этишимиз ва айниқса ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг техникавий даражасига, рақобатбардошлилигига, турдош корхоналар билан муносабатларига, ишлаб чиқаришни тайёрлаш хизмати даражасига сергаклик билан баҳо беришимиз зарур. Биз ўзимиз таъминлаб турган Иттифоқ министрликлари ва идораларини улар жумҳуриятга ўтказилишидан олдин ўлда-жўлда қолдирган барча ишларни тартибга келтиришга мажбур этишимиз керак.

Ҳозирги босқичда Иттифоқ қарамоғида қолдириш мақсадга мувофиқ бўлган тармоқлар ва корхоналар, жумладан ёпиқ тусдаги корхоналар тўғрисидаги масалани алоҳида ҳал этиш керак бўлади. Аммо бунда ана шу корхоналарнинг жумҳуриятимиз билан ўзаро иқтисодий муносабатларини тубдан ўзгартириш лозим.

Биз олтин қазиб олиш саноати сингари тармоқ билан қазиб олинадиган хом ашё, фойдаланиладиган ер, сув, ишчи кучи учун жумҳуриятга муайян миқдорда пул тўланадиган, шунингдек маҳсулотнинг маълум қисми жумҳурият корхоналарига топшириладиган ва фойданинг маълум қисми жумҳурият бюджетига ўтказиладиган шартнома муносабатлари ўрнатишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозир жумҳурият ҳукумати конверсияланадиган валютада етказиб бериладиган олтиннинг учдан бир қисми қийматини Ўзбекистонга қайтариш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқмоқда.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган деярли барча корхоналар, жумладан «Узбитхим» ташкилотига қарашли корхоналар, Тошкент заргарлик буюмлари заводи, машинасозлик, электротехника, химия корхоналарининг анча қисми, сўзсиз, жумҳурият қарамоғига ўтказилиши керак. Газ комплексининг йирик бўлинмаларини жумҳурият ихтиёрига ўтказиш соҳасида ҳозирдаёқ дастлабки қадамлар қўйилди.

Кичик-кичик корхоналар ва ташкилотларни, айниқса аҳолига хизмат кўрсатиш, одамларнинг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш билан боғлиқ шундай корхона ва ташкилотларни коллективларга ва хусусий кишиларга топширишга (табиийки, улар учун давлатга ҳақ тўланади) оид тадбирларни ўтказиш жумҳурият бошқарув идоралари учун навбатдаги катта вазифадир. Биринчи галда маиший хизмат, умумий овқатланиш, савдо-сотиқ, маҳсулотни қайта ишловчи кичик-кичик корхоналарни сотиш назарда тутилмоқда.

Нима учун бундай тадбирни кўриш мумкин ва зарур, деб ҳисоблаяпмиз? Биринчидан, шу корхоналарнинг кўпчилиги бугунги кунда кам рентабелли ёки зарар кўрадиган корхоналардир, улар бунингсиз ҳам оғир аҳволда қолган бюджетнинг елкасида оғир тошдек босиб ётишибди. Уларни хусусий кишиларга сотиш ана шу сарф-харажатлардан халос бўлишга ва боз устига даромадларга баракали қўшимча қўшилишига имкон беради. Иккинчидан, ана шу майда шоҳобчалар ҳозир ҳам аслида ярим хусусий мулк эканлиги сир эмас. Министрликлар, идоралар ва ижроия комитетларда улар билан ҳеч ким чинакамига шуғулланмаяпти. Ахир Маиший хизмат кўрсатиш министрлиги системасида қариб 7 мингта сартарошхона, 2,5 мингта пойабзал устахонаси, худди шунча якка тартибда фаолият кўрсатувчи кийимкечак устахоналари, рўзғор техникасини ремонт қилувчи 3,5 мингта устахона ва шунга ўхшаш корхоналар ишлаб турибди.

Ёки матлубот кооперацияси системасини олайлик. Бу соҳада 12 мингтадан кўпроқ умумий овқатланиш корхонаси бор, айни вақтда уларнинг 10 мингтасининг ҳар бирида кўпи билан 5 нафар одам ишлайди. Жумҳурият Савдо министрлигида 5 мингта яқин умумий овқатланиш корхонаси мавжуд, ана шулардан беш киши ишлайдиганлари қариб икки мингта, 6-10 киши ишлайдиганлари ҳам қариб шунчани ташкил этади. Саноатда деярли 300 та корхона бўлиб, уларнинг ҳар бирида нари борса 100 киши ишлайди. Айни вақтда, ҳозир ишлаб чиқариш ҳажмлари нисбатан кам бўлган ва моддий базаси ҳиссаси кам бўлган ушбу корхоналарда жуда катта резервлар бор, уларни давлат васийлигидан халос этиб, ҳаракатга келтириш мумкин ва лозим.

Учинчидан, биз қандайдир мавҳум мулоҳазалар сабабли эмас, балки ишлаб чиқаришни жонлантириш, рақобат учун шарт-шароит яратиш, хўжалик юритишнинг янада самаралироқ шаклларини танлаб олиш мақсадида мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлигини эълон қилаётганлигимизни унутмаслик керак. Давлат мулки бўлиб қоладиган корхоналар ҳам рақобат шароитида бошқача ишлайди, деб умид қилишга ҳамма асос бор.

Бинобарин, бир муаммони ҳал эта бориб, ўнлаб янгилари пайдо бўлишига йўл қўйиш мумкин эмас. Мен ҳам хусусий, ҳам давлат, коллектив, тижорат, кооператив, ижара ва бошқа ташкилотлар ҳамда хўжаликлар иши устидан ҳар томонлама назорат ўрнатиш кераклигини назарда тутяпман. Фақат буни майда-чуйда ишларга аралашавериш ва ташаббусни бўғиш деб тушуниш керак эмас. Назорат фақат белгиланган қонунлар, нормалар ва қоидаларга қатъий риоя этилишини таъминлаши ва молиявий, солиқ тусига, ҳуллас, иқтисодий тусга эга бўлиши керак.

Шу муносабат билан Молия министрлиги, Меҳнат ва ижтимоий масалалар давлат комитети, Адлия министрлиги бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда корхоналарни хусусий мулкка ўтказиш билан боғлиқ қуйидаги масалаларни изчил ишлаб чиқишлари керак.

Биринчи — ушбу корхонада ишловчилар ва шу корхона эгаларининг мақоми (меҳнат дафтарчаси, иш стажи, пенсия таъминоти, ижтимоий суғурта ва ижтимоий ҳимоянинг бошқа шакллари).

Иккинчи — меҳнатга ҳақ тўлашнинг, шу жумладан ёлланма ишчилар учун энг кам иш ҳақи белгилашнинг шакллари ва шартлари.

Учинчи — хусусий мулкка ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлган тармоқлар доираси ва корхоналар миқдори.

Аниқ жавоб бериш керак бўлган бошқа масалалар ҳам пайдо бўлиши шубҳасиздир. Бу ишларнинг ҳаммасини ложи борича тезлаштириш керак.

Тўғри, бўлажак жараёнлар биз учун янги бўлади, эски ёндашувлар ҳам, аввалги қолиплар ҳам бундай шароитда иш бермайди. Биз фақат ўзимизнинг соғлом фикримизга, қаттиқ меҳнатимизга ва йўл-йўлакай иш ўрганиш ўқувимизгагина умид қилишимиз мумкин.

Агар бошқа минтақалар ва бошқа минтақаларнинг вакиллари ҳамда хорижий шериклар билан теппа-тенг ишлаш ва рақобат қилишга лаёқатли аъло даражали мутахассисларни тайёрлаш ва саралаб олишнинг ўйлаб тузилган системасини ҳаракатга келтирмасак, унда истиқболимизга умид қилмаса ҳам бўлади. Бизни жаҳон иқтисодий тараққиёти йўлининг чеккасига улоқтириб ташлашади.

Мана шунинг учун ҳам ёшларимизни ўқитиш ва уларга таълим бериш учун ҳар қандай ёрдамни иккиланмай ва тортинмай қабул қилишга ҳамда ундан ложи борича кўпроқ фойдаланишга мажбурмиз. Бу бошқарув ходимларига, илм-фан ҳамда техника зиёлиларига, ишлаб чиқариш соҳасидаги хизматчиларга ва албатта ишчиларга тааллуқлидир.

Давлат ташқи савдо ишлари қалари комитети, Меҳнат ва ижтимоий масалалар давлат комитети, Олий таълим министрлиги, Фанлар академияси, министрликлар ва идоралар истиқболли мутахассислар ва ишчиларни бошқа жумҳуриятларга ҳамда хорижий мамлакатларга, илғор корхоналар ва бирлашмаларга, илмий ташкилотларга таълим олишга юбориш учун имкониятларни қидириб топиш ва уни рўёбга чиқаришга доир ишларни авж олдиришлари керак. Бунга ҳеч қандай маблағни, жумладан валютани ҳам аямаслик даркор. Бу жумҳуриятни ижтимоий ва миллий жиҳатдан ривожлантириш борасидаги масалаларнинг масаласидир.

Вақтимиз жуда зиқ. Биз баъзи нарсаларни йўл-йўлакай тузатиб борамиз, баъзи нарсаларда жузъий чора-тадбирлар билан чекланамиз, лекин тармоқ ва ҳудуд бошқарув органларимиз, ишлаб чиқариш бўлинмаларимиз ҳали ҳам кўп жиҳатдан эскичасига ишлашмоқда. Ҳаракат жараёнида жумҳуриятимизнинг жуда катта иқтисодиётини, боз устига, Иттифоқ комплекси билан қаттиқ боғланган иқтисодиётимизни қулоч ёйдиришимиз жўн иш эмас. Лекин бизда бошқа йўл йўқ. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида қабул қилинган сиёсий ва иқтисодий программани амалга оширишимиз зарур.

Келаси йил плани ишлаб чиқилиши муносабати билан ҳукумат ва Давлат план комитети зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Планлаштиришнинг мазмуни ва бутун омилларига янги ёндашувларни чуқур ўйлаб кўриш ва уларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Лекин биринчи галдаги вазифа шундан иборатки, планнинг ўзи, биринчидан съезднинг барча программавий кўрсатмаларини ҳисобга олиши, ва иккинчидан, план жумҳуриятни ривожлантиришнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этишда асосий восита бўлиб қолиши керак.

И. А. Каримов йиғилганларнинг саволларига жавоб берди.

(ЎзТАГ).

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси

МАЖЛИСЛАР КУНДАЛИГИ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида 18 июнь куни Ўзбекистон ССРда Мулкчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Бу Қонун лойиҳаси ҳақида Иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш доимий комиссиясининг раиси депутат **А. А. Йўлдошев** маъруза қилди.

— Бугун биз жумҳуриятда истиқомат қилувчи барча кишиларнинг келажаги учун жуда катта аҳамиятга эга бўладиган Қонун лойиҳасини муҳокама қиляпмиз, — деб таъкидлади муҳокамани бошлаб берган Тахтакўпир районидаги «Тахтакўпир» совхозининг директори депутат **А. Одилов**. — Амударё ҳамиша Ўрта Осиё халқларининг муштарак мулки бўлиб келган, асрлар давомида ҳамма халқлар бир дарёдан сув ичган, ҳамма бунинг учун тенг ва шак-шубҳасиз ҳуқуққа эга бўлган. Ҳозир эса биз ҳуқуқий давлатда яшашни орзу қилиб турган бир пайтда фақат битта республикага — дарёлар бошланган аҳолига шу ҳуқуқни берадиган Қонун қабул қилинмоқда.

Сувдан оқилона фойдаланмаслик шунга олиб келдики, Амударё этакларига, аслида, ичиш учун яроқли бўлмаган, юксак даражада минераллашган, инсон учун жуда зарарли пестицидлар, бошқа зарарли моддалар билан булғанган сув етиб келмоқда. Биз, Амударё этакларининг аҳолиси йилига саккиз куб километр ана шундай заҳарланган сув олаяпмиз, унинг аксарияти оқава ташлама сувлардир. Натижада ерлар тобора шўр босиб, уларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашмоқда, одамларнинг сиҳат-саломатлигига етаётган зиён йил сайин ортиб бормоқда.

Менинг сайловчиларим: қачон тоза сув оламиз, — деб сўрамоқдалар. Шунингдек биз Туямўйин сув омбори, Тахиатош гидроузели кимнинг мулки бўлишини билишни хоҳлаймиз. Келгуси йилдан бошлаб биз сувдан фойдаланиш учун ҳақ тўлашга ўтамиз. Бу эса бизнинг олдимизга, айтайлик ирригация системаларининг ночорлиги, ҳал этилмаган бошқа масалалар билан боғлиқ бўлган бир талай муаммоларни кўяди. Бу муаммолар Қорақалпоғистондаги экология вазиятини эътиборга олиб, зудлик билан ҳал қилиниши зарур.

—Муҳокама қилинаётган масала — ҳозирги ва эртанги турмушимиздаги энг муҳим, туб масалалардан биридир. Ўзбекистон ССРда Мулкчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси юзасидан аниқ таклифлар киритмоқчиман, — деди ўз нутқида Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари депутат **М. А. Ибодуллаев**. — Конституцияда таъкидлаб ўтилганидек, ишлаб чиқариш воситаларининг давлат, умумхалқ ва колхоз-кооператив социалистик мулки эканлиги республика иқтисодий системасининг асосини ташкил этади. Менинг назаримда, ҳар ҳолда мулк инсоннинг эҳтиёжларини энг кўп даражада қондиради, мулкдор уни ўзи билганича тасарруф этади ва ундан фойдаланади. Қонуннинг мулкчиликка муносабат тўғрисидаги бўлимига мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги банд билан бир қаторда мулкнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги бандни киритиш зарур, деб ҳисоблайман.

Биз бу масалани чуқур ва атрофлича ўргандик. Айтилган таклифларни умумлаштириб, уларда жойларда мулкнинг барча шаклларини ривожлантиришни таъминлаш тўғрисидаги талабни алоҳида бўрттириб кўрсатиш керак. Бунда ижара, деҳқонларнинг томорқа, фермерлик мулклари, мулкка якка тартибда ёки жамоат бўлиб эгалик қилишнинг бошқа турлари каби янги шаклларига ҳам алоҳида эътибор билан қараш ва уларни қўллаб-қувватлаш лозим.

Қўқон нон комбинатининг директори депутат **А. Т. Мавлонқулов** сўзга чиқади:

— Бугунги кунда хўжалик юритиш, меҳнатни ташкил этиш, унга ҳақ тўлашнинг илғор шаклларидан фойдаланиш иқтисодиёт самарадорлигини ошириш учун энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бу муаммоларни ҳал этиш мулк тўғрисидаги Қонунни қабул қилиш ва кейинчалик уни рўёбга чиқариш билан бевосита боғланган. Бусиз мамлакатимизда бозор иқтисодий муносабатларига ўтишни тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон тўғрисида гапирадиган бўлсак, қуйидагиларни айтишим лозим: бизда одамларнинг ижтимоий таъминланиш даражаси шундайки, у бугунги кунда жумҳуриятнинг бозор иқтисодиётига ўтишига умуман имкон бермайди. Биз молиявий жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам унга тайёр эмасмиз. Аммо шунга қарамай, иқтисодиётимизни бозор сиёсатига ўтказишни четлаб бўлмайди: бу жараённи жадаллаштириб бўлмаганидек, уни орқага ҳам суриб бўлмайди. Ҳар ҳолда бундай ўтишни асло нонинг чакана нархларини оширишдан бошлаш керак эмас. Нон қайта қуришнинг гарови бўлиб қолиши лозим, чунки нон ҳамма нарсанинг асоси. Жумҳуриятнинг бозор иқтисодиётига ўтишига тайёргарликнинг моҳияти биз қабул қилаётган қонунлар — Ер ва Мулкчилик тўғрисидаги, ўзини ўзи бошқариш ҳақидаги, иқтисодий ва сиёсий мустақиллик тўғрисидаги қонунларга, ана шу қонунларнинг тўлақонли бўлишига бевосита боғлиқдир.

Кейинги вақтда объектив ва субъектив сабабларга кўра, асосий ишлаб чиқариш воситалари, яъни корхоналар ижтимоий мулк бўлган ҳолда маҳсулотни ишлаб чиқарувчилардан узоқлаштириб қўйилди. Ҳозирги вақтда кўпгина корхоналар хўжалик ҳисобининг у ёки бу усули асосида ишламоқдалар. Бу уларнинг мустақиллигини кенгайтириб, имкониятларини мустаҳкамлайди. Аммо барибир ана шу корхоналарнинг ҳуқуқлари чекланган, улар ўзларига нисбатан юқоридан тазйиқни сезиб турадилар.

Ижара муносабатларига ўтиш вазиятни тубдан ўзгартириб, ташаббус учун кенг имконият яратиб беради. Ижара муносабатларининг афзаллиги нимада? Бу афзаллик шундан иборатки, жамоа ҳатто ўз корхонасини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу эса корхонани қайта жиҳозлаш, реконструкциялаш масалаларида, ривожланишнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий программаларини яратишда унинг тўла мустақил бўлишига имкон беради. Бу хўжалик ҳисоби усулларидан бири эмас, балки ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг истиқболли шаклидир. Мулк тўғрисида қабул қилинаётган Қонунда бу шакл сўзсиз ўзининг муносиб ифодасини топиши лозим.

— Биз, Андижон вилоятидан келган халқ депутатлари таклиф этилган Қонун лойиҳасини чуқур ўргандик, — деб таъкидлади Балиқчи район партия комитетининг биринчи котиби **Б. Раҳмонов**. — Этасиз давлат мулкидан воз кечадиган вақт келди, деб ҳисоблаймиз, умумхалқ мулкини ҳақиқий халқ мулкига айлантириш керак. Хусусий мулкка биз бир томонлама салбий ёндашдик, ҳатто одамнинг пешона тери билан ишлаб топилган мулкига ҳам шубҳа билан қарадик. Ҳар бир оила ўз меҳнати билан ишлаб топган мулкига эга бўлиши керак. Ана шунда олга қараб ҳаракат қилиш мумкин бўлади.

Иқтисодий мустақиллик тўғрисида яхши таклифлар киритилмоқда. Бу муҳим масалада жумҳурият билан Иттифоқ ўртасидаги мулк ҳуқуқини фарқлашга тўла аниқлик киритиш лозим. Жумҳуриятнинг барча бойликлари унинг халқининг мулки бўлиши керак.

Шундай қилиш керакки, Қонун лойиҳасининг барча моддалари мутлақо тушунарли бўлсин. Шу сабабли тўртинчи модданинг биринчи қисмидаги жумҳуриятдаги барча мулк шаклларининг тенглиги ҳақида гапирилган иккинчи бандга қўшимча киритиш зарур, деб ҳисоблайман. «Мулкчиликнинг ана шу барча шакллари бир-бири билан боғлиқ ҳолда ўзаро ҳамкорликда ривожланиши керак».

Бизда муаммолар кўп. Ҳар қандай таҳчилликлар, халқ истеъмоли моллаларининг йўқлиги шулар жумласига киради. Шу ҳақда гапирар эканмиз, кўпинча Япония сингари ривожланган мамлакатларни мисол қилиб келтирамиз. Лекин уларни мисол қилиб келтириш ва уларга ҳавас қилишнинг ўзи етарли эмас, улардан тажрибани, жумладан кадр масалаларини ҳал этишдаги тажрибани ўрганиш керак. Биз жумҳурият Президенти Фармонига асосланган ҳолда одамларни яхши ўқитиш учун ҳамма ишларни қилишимиз даркор. Ривожланган капиталистик мамлакатларга таълим олиш ва тажриба алмашиш учун барча районлардан мутахассисларни юборишни таклиф этмоқчиман. Шундай йўл билан малакали кадрлар муаммосини ҳал этишимиз мумкин. Бу жумҳуриятимиз келажагининг негизидир.

Яна бир масала: мен ҳукумат ҳарбий хизматга тааллуқли тадбирлар кўратўғтанлигини тўла қўллаб-қувватлайман. Ота-оналар ўз фарзандлари хавфсиз шароитда хизмат қиладиган бўлмагунларича тинч яшай олмайдилар.

— Биз Қонун лойиҳасини барвақт олдик, бу эса уни ўрганиш ва ўз таклифларимизни ўйлаб олишга имкон берди, — деди Урганч шаҳар партия комитетининг биринчи котиби депутат **К. Сандов**. — Эътиборингизни, жумладан, биринчи моддадаги учинчи бандга қаратишни ҳоҳлардим. Унда мулк эгасининг бисотидан бошқа кишилар чекланган тарзда фойдаланиши мумкинлигига йўл қўйилади, дейилган. Буни тушунтириб бериш керак, бу ерда мутлақо аниқлик талаб этилади.

3-моддада — мулк ҳуқуқи субъектлари тўғрисидаги модданинг сўнгги абзацида шундай ёзилган: «Турли юридик шахслар ва фуқаролар айни бир мулкнинг субъектлари бўлиши мумкин». Бунга аниқлик киритилиши керак, деб ҳисоблайман. Модомики, биз мулкнинг хусусий ва умумий мулкка бўлинишини назарда тутар эканмиз, у «биргина ва худди ўша аралаш мулкнинг субъектлари» бўлиши керак.

4-моддаининг охирида бундай дейилади: «Ўзбекистон ССРдаги барча мулк шакллари тенг ҳуқуқлидир». Айни вақтда ўнинчи моддада бундай қайд этилади: «Хусусий мулкчиликнинг амал қилиш шарт-шароитлари ва чегаралари Ўзбекистон ССРнинг Қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади...». Бу ерда биз тенг ҳуқуқлилик ҳақидаги аввалги моддага зид фикр айтмаяпмизми? Аниқлик киритиш керак, деб ҳисоблайман.

Депутат ўз фикрига кўра Қонун лойиҳасининг қўшимчалар ва аниқликлар киритилишини талаб этадиган бошқа моддаларига ҳам батафсил тўхталди.

— Қонун лойиҳаси катта меҳнат билан яратилган ва тузатишларимиз киритилганидан кейин уни қабул қилиш мумкин, деб ҳисоблайман, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг котиби депутат **Муҳаммад Солиҳ** (Салой Мадаминов). У қонуннинг кириш қисмида Ўзбекистон ССР мулки дахлсиз эканини айтиш билан чекланишни таклиф қилди, моддалар юзасидан бир қанча конкрет тузатишлар киритди.

Бугунги муҳокама бизда ҳозирча аниқлик йўқлигини кўрсатмоқда, деб таъкидлади у. Москванинг қошқовоғига қараб турамиз: у ердагилар қовоқ уюшса, биз ҳам ҳўмраямиз, агар жилмайишса, дарров оғзимизнинг таноби қочади. Биз на иқтисодий, на сиёсий нуқтаи назардан мустақилмиз. Ваҳолонки, жумҳурият тақдири шу залда ўтирганларга ҳам боғлиқ эканини, агар бу ердагиларнинг ҳар бири мустақил бўлмаса, қабул қилаётган қонунларимиз миллатимиз, жумҳуриятимиз мустақиллигини таъминламаслигини ёдда тутмоғимиз лозим.

Жумҳурият яйлов-мелиоратив қурилиш бирлашмаси 480-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннасининг бошлиғи депутат **Т. Ҳошимов** ўз нутқида бундай деди:

— Қайта қуриш ва демократияни қарор топтиришнинг беш йили ичида биз анчагина муаммоларни ҳал қилишга муваффақ бўлдик. Лойиҳаси муҳокама қилинаётган Мулкчилик тўғрисидаги қонун янада чуқурроқ ижобий ўзгаришлар учун хизмат қилишига ишончимиз комил. Сайловчилар кўрсатган ишонч бизнинг зиммамизга бу муҳокамада фаоллик ва манфаатдорлик билан иштирок этиш масъулиятини юклайди. Уларнинг истак-иродасига амал қилиб, Ўзбекистон халқи жумҳуриятнинг шу пайттача ташиб кетилаверган барча бойликларининг чинакам хўжайини бўлиши керак деб ҳисоблайман.

Иттифоққа бўйсунувчи корхоналарга муносабатни қайта кўриб чиқиш керак. Улар арзон ишчи кучидан фойдаланиб, аллақачон ўз чиқимларини бир неча баравар қилиб чиқариб олди. Ҳозир ўзининг бутун даромадини Иттифоқ фондига топширяётган бу корхоналар энди қонуний асосда жумҳурият мулкига айланиши даркор.

Биз шу барча талабларни ҳисобга олиб, қанчалик тез Иттифоқ шартномаси тузилсак ва имзоласак, шунчалик тез иқтисодий ва сиёсий мустақилликка эришамиз. Асосий вазифа — бозор иқтисодиётига ўтаётганда жумҳурият халқи манфаатларини пухта ҳимоя қилишдир.

Сессия Мулкчилик тўғрисидаги қонунни кейинчалик бозор иқтисодиёти тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш осонроқ бўлиши учун қабул қиланпти, деб таъкидлади Жиззахдаги 1-қурилиш материаллари комбинатининг директори депутат **А. Р. Абдуллаев**. Депутатлар бу катта ва муҳим қадам билан боғлиқ барча жиҳатларни

(Давоми учинчи бетда).

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида. В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН ССРда КОНСТИТУЦИОН НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш комиссияси раиси депутат П. Қ. ҲАБИБУЛЛАЕВ маърузаси

Ҳурматли халқ депутат-

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳот давр талабидан келиб чиқиб, тез суръатлар билан янгидан-янги тартиботларни юзага келтирмоқда. Мисол сифатида Иттифоқда ва жумҳуриятимизда президентлик ҳокимияти ва конституцион назоратнинг амалга оширилаётганини кўрсатиш мумкин.

Асосий қонундаги бу ўзгаришларни мамлакатимиз бутун тарихи давомидаги энг йирик ҳодисалар қаторига киритиш лозим. Маълумки, президентлик ҳокимияти ва конституцион назорат жаҳоннинг кўплаб илғор мамлакатларида неча ўн йиллардан буён амал қилиб келмоқда ва ўзини тўла оқламоқда.

Конституцион назоратнинг зарурлигини ҳаётнинг, амалиётнинг ўзи талаб қилди. Бугун биз «Ўзбекистон ССРда конституцион назорат тўғрисида»ги махсус қонун лойиҳасини халқ депутатларининг эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

Конституцион назорат комитети тузилиши ва фаолиятининг асосий қоидалари, аввал СССР Конституцияси ва иттифоқдош жумҳуриятлар Конституцияларининг тегишли моддаларида белгиланди. Сўнгра улар махсус қонунда батафсилроқ акс эттирилди. Конституцион назорат ўрнатишнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Муболағасиз айтиш мумкинки, конституцион назорат ўрнатилиши социалистик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, қонунчиликни таъминлашга, унга оғишмай амал қилишга хизмат қилади.

Жумҳуриятимизда конституцион назоратнинг жорий этилиши Ўзбекистон ССР Конституциясининг 116 моддасида белгиланган. Эътиборингизга ҳавола қилинган қонун лойиҳаси ушбу моддага мувофиқ ишлаб чиқилган.

Конституцион назорат Ўзбекистон ССР давлат идоралари ва жамоат ташкилотлар чиқарадиган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мос бўлишини таъминлаш мақсадида таъсис этилади. Шунингдек у шахснинг Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликлари, жумҳуриятимиз халқлари ҳуқуқларини, совет жамиятининг демократик асосларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Афсуски, ҳаётимизда амалдаги асосий қонунга эътиборсизлик билан қараш, унинг энг муҳим қоидаларини инкор этиш ҳоллари ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам Конституцион назорат комитетини тузиш давримизнинг энг долзарб масаласидан биридир.

Конституцион назорат ҳақидаги қонун бизнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш соҳасидаги тажрибамизда биринчи ҳодисадир. Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда министрликлар, ташкилотлар, айрим мутахассисларнинг таклиф ва мулоҳазалари ҳисобга олинди. Лойиҳа 31 моддани ўз ичига олган бўлиб, беш бобдан иборат.

Қонун лойиҳасига кўра, Ўзбекистон ССРда конституцион назоратни жумҳурият Олий Совети томонидан сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислардан ўн йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети амалга оширади.

Лойиҳада Конституцион назорат комитетини сайлаш тартиби назарда тутилган бўлиб, бу тартибга кўра комитетнинг шахсий таркибини Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси Ўзбекистон жумҳурияти Олий Советига тақдим этади. Конституцион назорат комитети фаолиятида ворисликни таъминлаш учун унинг таркибининг ярмини ҳар 5 йилда янгилаб туриш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети:

— жумҳурият Олий Совети эътиборига ҳавола қилинган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг;

— жумҳурият Олий Совети қабул қилган қонунлари ва бошқа ҳужжатларнинг;

— Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти Конституциясининг Ўзбекистон Конституциясига мувофиқлиги ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади;

— жумҳурият Конституцион назорат комитети шунингдек:

— Ўзбекистон ССР Президенти Фармонларининг;

— Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси қарорлари ва Фармойишларининг;

— халқ депутатлари маҳаллий Советлари қарорларининг;

— Қорақалпоғистон АССР қонунларининг;

— ЎзССР ҳукумати қарорлари ва фармойишларининг;

— ратификация қилиш ёки тасдиқлашга тақдим этилган Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг;

— Ўзбекистон жумҳурияти Олий суди пленуми раҳбарий тушунтиришларининг;

— Ўзбекистон ССР бош давлат ҳакамининг норматив тусдаги ҳужжатлари, шунингдек бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг Ўзбекистон ССР Конституциясига кўра прокурор назоратидан холи бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Ўзбекистон ССР Конституциясига ва жумҳурият Олий Совети қабул қилган қонунларга мувофиқлигини назорат қилади.

Конституцион қонунчиликка мувофиқ прокурорлик назорати Министрлар Советининг ҳужжатларидан ташқари, давлат бошқарув органлари ҳужжатларигагина таллуқли бўлади. Шунингдек прокуратура давлат ҳокимияти юқори ва маҳаллий органлари ҳужжатларини ҳам назорат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Қонунчиликни назорат қилишдаги бу «камчиликлар» энди Конституцион назорат комитети томонидан тўлдирилади, у ўз навбатида прокуратура томонидан назорат қилинаётган ҳужжатларни назорат қилмайди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, ҳуқуқий нормаларни қўллашга доир ҳужжатлар судларнинг ҳукмлари ва бошқа қарорлари, тергов, прокуратура, фуқаролик, жиноят, маъмурий, ҳакамлик ишлари бўйича давлат ҳакамлиги қарорлари Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети вазифасига кирмайди.

Ўзбекистон ССР Конституциясига амал қилинишини назорат этиш ҳамда Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти Конституцияси Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқлигини таъминлаш давлат ҳокимиятининг олий органлари орқали Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилганлиги Ўзбекистон ССРнинг амалдаги Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР ўртасида уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қабул қилган Конституцион аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар хусусида келишмовчиликлар чиққан тақдирда Конституцион назорат комитети бу келишмовчиликларни исталган баҳслашувчи томоннинг ташаббуси билан Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети тўғрисидаги қонунга ва унинг иш тартибига мувофиқ кўриб чиқади.

Комитет бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳужжатларини ҳам кўриб чиқиш ва улар юзасидан ўз хулосаларини бериши мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон ССР Конституциясининг 107-моддасида жумҳурият Олий Советида қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасида қайд этилган. Бинобарин, улар комитет олдига тегишли масалаларни қўйиш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон ССР Олий Совети — Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этилган Ўзбекистон ССР қонунлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳасига нисбатан;

Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг камида бешдан бир қисми, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети — Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган Ўзбекистон ССР қонунлари ва бошқа ҳужжатларга нисбатан;

Ўзбекистон ССР Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети — Қорақалпоғистон АССР Конституциясига ва Қорақалпоғистон АССР қонунларига нисбатан;

Ўзбекистон ССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг камида бешдан бир қисми, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР Президенти, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномалари ва бошқа мажбуриятларига нисбатан;

Ўзбекистон ССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари, Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети, Ўзбекистон ССР Олий суди, Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳаками, Ўзбекистон ССР Прокурори, жамоат ташкилотларининг республика органлари ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси — бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг норматив ҳужжатларига нисбатан.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети, шунингдек, ўз ташаббусига кўра Ўзбекистон ССР Давлат ҳокимияти ва бошқаруви юқори органларининг ҳамда жумҳурият Олий Совети сайлайдиган ёки тузадиган бошқа органларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон ССР Конституциясига ва қонунларига мувофиқлиги масалаларини кўриб чиқишга ҳақлидир.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг раиси, раис ўринбосари ва комитет аъзолари Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг ташаббуси билан масалани кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақлидирлар.

Агар давлат бошқарув органлари, суд, прокурорлик ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда ҳуқуқни татбиқ этувчи органлар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар қонун ёки бошқа норматив ҳужжатлар билан Ўзбекистон ССР Конституцияси ўртасида тафовут борлигини аниқласалар, бу ҳақда масалани Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига кўриб чиқиш учун етказишга вакил қилинган органга хабар берадилар.

Конституцион назорат тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг халқпарварлик принципи унинг ўзига хос хусусиятидир: Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосаси Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ келмайдиган Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти Конституцияси, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул этган қонунлари ва бошқа ҳужжатларининг амал қилишини бекор этмайди ва уни тўхтатиб қўймайди. Комитет назорати остидаги бошқа ҳамма ҳужжатлар Ўзбекистон ССР Конституциясига ва қонунларига мувофиқ келмаган тақдирда хулосада кўрсатилган номувофиқлик тугатилмагунча уларнинг амал қилиши тўхтатиб турилади. Қонунни чиқарган идора шу қонун ёки унинг айрим қоидалари Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки қонунига номувофиқлигини уч ой муддатда тугатишга мажбур. Башарти шу муддат ичида номувофиқлик тугатилмаса, комитет ўзига ҳисоб берадиган идоранинг ёки мансабдор шахснинг Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқ келмайдиган ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига ёки Министрлар Советига тегишли тақдимнома тоширади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг комитет хулосасини қайтариш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон ССР халқ депутатлари умумий сони овозларининг учдан икки қисми билан қабул этилади. Башарти комитетнинг хулосасини қайтариш тўғрисидаги таклиф зарур миқдордаги овозни тўплай олмаса, ҳужжат ёки унинг Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки Ўзбекистон ССР қонунига мувофиқ келмайдиган айрим қоидалари ўз кучини йўқотади. Қорақалпоғистон АССР Конституцияси бундан мустаснодир.

Лойиҳанинг махсус нормасида Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг қонун лойиҳаси тақдим этиш ҳуқуқига кафолат берилган.

Қонун лойиҳасида комитетга сайланган кишиларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг мустақиллиги ва дахлсизлик кафолотлари ёзиб қўйилган. Улар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари бўлишлари ҳамда ҳужжатлари комитет назорат қиладиган органларнинг составига киришлари мумкин эмас.

Комитет раиси, раис ўринбосари ва комитет аъзолари Ўзбекистон ССР Олий Советининг ва Олий Совети Президиумининг мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Лойиҳанинг якунловчи боби комитетни ташкил этиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларга бағишланган, чунончи комитетнинг хулосалари ва бошқа материаллари Ўзбекистон жумҳурияти Олий Советининг ахборотномасида эълон қилинади.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг секретариати ахборот-маълумот ва бошқа ёрдамчи ишларни бажаради. Комитетнинг секретариати, унинг тузилиши ва штатлари тўғрисидаги низом Ўзбекистон жумҳурияти Конституцион назорат комитети томонидан тасдиқланади.

Азиз ва муҳтарам депутатлар!

Конституцион назорат тўғрисидаги Қонун лойиҳаси қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчи аъзолари бўлган Ўзбекистон ССР халқ депутатларига, барча халқ депутатлари Советларига, Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятига, Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашига, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ва бошқаларга тарқатилди. Қонун лойиҳаси юзасидан 100 дан ортиқ мулоҳаза ва таклифлар тушди. Бир қатор мулоҳазалар айрим моддаларнинг таҳририга, Конституцион назорат комитетининг аъзоларини сайлаш ва озод қилиш, комитетнинг фаолияти ва ваколатлари билан боғлиқ бўлган масалаларга тааллуқлидир. Комиссия қонун лойиҳасини яхшилайдиган кўпгина мулоҳаза ва истакларни қонун лойиҳасини қўшимча ишлаб чиқиш чоғида ҳисобга олди. Хусусан, комиссия Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган кишиларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш ҳақидаги 8-моддани республикадан ташқарига чиқиб кетиш ҳам Ўзбекистон ССР КНК аъзосининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш учун асослардан бири бўлиши ҳақидаги қоида билан тўлдириш тўғрисидаги таклифга рози бўлиш мумкин деб топди.

Комиссия 10-моддани тўлдириш ҳақидаги таклифга ҳам қўшилди. Унда гап Ўзбекистон ССР КНК Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ҳужжатлари Ўзбекистон жумҳурияти Конституциясига ва қонунларига мувофиқ бўлишини назорат қилиб туриш ҳақида боради. Моддага халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорлари Ўзбекистон ССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқлигини ҳам назорат қилиш ҳақида абзац қўшилган.

Кўпгина ўртоқлар қабул қилинган ҳужжатнинг Ўзбекистон ССР Конституциясига ва қонунларига номуносиблигини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш ҳақида, Конституцион назорат комитети аъзоларининг ваколат муддатларини қисқартириш ҳақида, комитет аъзоларини оддий кўпчилик овоз билан озод қилиш керакми ёки овозларнинг учдан икки қисми билан озод қилиш керакми, деган масала хусусида, Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартириш киритиб, комитет аъзоларининг сонини вилоятлар сонига етказиш ёки 12, ё бўлмаса 15 кишига етказиш ҳақида истаклар билдиришди.

Комиссия бу орган эндигина барпо этилаётган ва бизда ҳали иш тажрибаси бўлмаган ҳозирги вақтда ҳамма масалалар бўйича маъқул қарорга келиш қийин бўлса керак, улар юзасидан мунозара олиб бормасдан, эҳтимол, таклиф этилган қонун лойиҳасига розилик билдириш мумкин бўлар, деб ўйлайди.

Конституцион назорат комитети фақат конституцияга бўйсунадиган мустақил орган бўлади, деб фикр қилинганлиги сабабли унинг ваколат муддатларини халқ депутатларининг ваколат муддатига боғлаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам Конституцион назорат комитетининг ҳисоботини Олий Совет сессиясида тинглаш ҳақидаги айрим таклифлар ҳам номақбулдир. Конституцион назорат комитети бутун Ўзбекистон территориясида қонунлар бир хил бўлишини таъминлаши, ҳуқуқий давлат учун курашиши керак. Шунга кўра, комитет аъзоларининг сони вилоятлар сони билан боғлиқ бўлиши ҳақидаги қоидани ҳам қабул қилиб бўлмайди. Жумҳурият вилоятлари миллий-территориал белгисига кўра яхлит бўлган Ўзбекистон давлатининг таркибий қисмидир.

Яна бир бор таъкидлаб ўтаман, комиссия айрим моддаларнинг услубини ва таҳририни яхшилашга доир жуда кўп амалий таклифларни миннатдорчилик билан қабул қилди.

Ўзбекистон жумҳурияти Олий Совети жумҳуриятда Конституцион назорат тўғрисидаги қонунни қабул қилиши, шубҳасиз, ҳуқуқий давлатни шакллантириш, қонунчиликни такомиллаштириш, жумҳуриятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш жараёнида жуда катта роль ўйнайди.

Кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасини умуман олганда маъқулласа арзийди.

МАЖЛИСЛАР КУНДАЛИГИ

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

синчиклаб ўрганиб чиқдилар. Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари, шу муносабат билан эса мулкчилик масалалари ҳам ҳозир барча жумҳуриятларда, бутун мамлакатда муҳокама қилинмоқда ва биз бу ишда орқада қолмаслигимиз керак.

Бозор иқтисодиётига ўтиш — мураккаб ва мушкул жараён. Бу ерда, шу залда депутатлар билан бирга жумҳурият ҳукуматининг аъзолари ҳам ўтиришибди. Бинобарин, биз ҳаммамиз биргаликда бу ўтишнинг йўллари ва хусусиятларини синчиклаб муҳокама қилмоғимиз лозим. Кейин эса ўз сайловчиларимизга, биз билан бирга ишлаётган одамларга турмушимизни яхшилаш учун зарур бўлган бу жараённи мумкин қадар тезроқ ва безарар амалга ошириш учун нималар қилиш кераклигини равшан тушунтириб беришимиз керак.

Мулкчилик тўғрисидаги қонун биз учун зарур. Мен уни сўзга чиқаётган депутатлар киритаётган барча тузатишлар билан қабул қилишни таклиф этаман.

— Бугун муҳокама қилинаётган Мулкчилик тўғрисидаги қонун жуда муҳим, — деб таъкидлади «Совет Ўзбекистони» газетаси муҳаррирининг ўринбосари депутат **Н. Саъдуллаев**. —Бу қонуннинг моддалари давр, қайта қуриш талаблари асосида ишлаб чиқилган. Унда мулкка, ерга муносабат асосий ўрнни эгаллаган. Бу тўғри, чунки иқтисодиётимизнинг келажаги ерга муносабатга, ундан омилкорлик билан фойдаланишга, уни асраб билишга, хуллас ерни унинг чинакам соҳибига топширишга боғлиқ.

Маълумки, СССРда ер давлат мулки эканлиги тўғрисидаги қоида ўзини оқламади. Ер тўғрисидаги масала кўпгина мунозаралар ва баҳслар марказида бўлди. Буни матбуотдаги кўплаб мақолаларда кузатиш мумкин. Ерга муносабат хусусида мулкчиликнинг турли шакллари таклиф қилинди.

Баъзиларнинг фикрича, ер фақат умумдавлат мулки бўлиб қолиши керак. Бошқалар эса, ер жумҳуриятнинг, мухтор жумҳуриятнинг, миллий-территориал ва маъмурий бирликларнинг мулки бўлишини таклиф қилишмоқда.

Ерни колхозлар, совхозлар, ижара жамоалари, деҳқон хўжаликлари, кооперативлар, шунчаки якка хўжаликлар мулкига айлантириш тўғрисидаги таклифлар ҳам киритилящти. Ерни хусусий мулкка айлантириш тўғрисида таклиф айтилди. Бу, менимча энг яхши йўл бўларди.

Хўш, ер ўзи кимники бўлиши керак? Тараққиётимиз учун қайси йўл энг мақбул бўлади? Қандай йўл давр талабига жавоб беради? Ер ҳозирги пайтда фуқаро мусабатлари оборотидан чиқарилган, у сотилиши, мерос қилиб қолдирилиши мумкин эмас. Лекин бугун муҳокама қилинаётган ҳужжатнинг олтинчи моддасида бу хусусда аниқлик йўқ. Менимча, ернинг мерос қилиб қолдирилишини қонунийлаштириш тўғри бўлмаса керак. Бу салбий оқибатларга олиб келиши, ернинг унда ишлайдиганларга берилиши йўлида тўсиқ бўлиши мумкин.

— Бугун муҳокама қилинаётган қонуннинг фақат икки бўлими юзасидан фикримни билдирмоқчиман, — деди Денов сут заводининг аппаратчиси депутат **К. Турсунов**. —Ўнинчи бўлим — хусусий мулк тўғрисида. Унда: «Хусусий мулкчилик ҳуқуқи амалга оширилаётганда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш мумкин», — дейилган. Буни қандай тушунмоқ керак? Ким кимни ёллайди? Фуқаролар тенглиги қаёқда қолди? Ахир биз социализмда киши кишини эксплуатация қилмайди, деймиз-ку.

Фикримча, мулкчилик шаклларини кўпайтиришнинг ҳожати йўқ, учтаси етарли бўлади. Булар: давлат мулки, хусусий мулк ва ширкат ёки жамоа мулки. Масалан, оилавий мулкни олайлик. Лойиҳада оила аъзоларининг мулки —оила мулкидир, дейилган. Лекин уни, шу мулкни оиланинг ҳар бир аъзосига тақсимлаш шартмикан?

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг академик-котиби депутат **А. Асқаров** ўз нутқида унинг фикрича, жумҳуриятимиз ҳозирги кунда Мулкчилик тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишига тайёр эмаслигини таъкидлади. Бунинг сабаби нимада? Бунинг сабаби шундаки, биз марказ билан, Иттифоқ идоралари билан ўз муносабатларимизни ҳали белгилаб олганимизча йўқ.

Қайта қуриш поезди олға бормоқда ва эндиликда уни тўхтатиб бўлмайди. Янги йилдан бошлаб, истасак ҳам, истамасак ҳам бозор иқтисодиётига ўтишимизга тўғри келади. Жумҳуриятнинг бундан кейинги ривожи кўп жиҳатдан биз қабул қиладиган қонунга боғлиқдир. Муҳокама учун тақдим этилган ҳужжат муаллифлари эса аслида Иттифоқ қонунини фақат баъзи бандларига ўзгартишлар киритиб, кўчириб олибдилар. Улар тайёрлаган лойиҳада на бизда тарихан вужудга келган мулкчилик шакллари акс этган, на жумҳуриятимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, уларни ривожлантириш истиқболлари тадқиқ этилган. Қонун лойиҳаси мавҳум, у ҳали хом ва яхшилаб пухталаштиришни талаб этади.

— Хўжалик раҳбари сифатида Мулкчилик тўғрисидаги қонунни қабул қилмай туриб, колхоз ва совхозларнинг аҳволини иқтисодий юксалтириш тўғрисида гапириб бўлмайди, деб ҳисоблайман, — деди ўз нутқида Фарғона вилояти Киров районидаги «Бешариқ» совхозининг директори депутат **Т. Баркашев**. Давлат мулкига халқ мулки эмас, деб қарай бошланиши унинг талон-торож қилинишига, ташмалаб кетилишига, керакли самара бермаслигига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам қонунни қабул қилиш зарур. Шунда мулк эгасиз қолмайди, одамларда манфаатдорлик ва ишлаш истаги пайдо бўлади.

Нотиқ қонун лойиҳасига ўз тузатишларини киритди. У шахсий мулк тўғрисидаги саккизинчи моддага мулкчилик ҳақидаги масалани маҳаллий Советларнинг депутатлари ҳал қилиши тўғрисида банд киритишни таклиф қилди. Шу моддани иккинчи бандида у ерни ижарага олган фуқаро ва унинг оила аъзолари шу ерни шахсий мулк сифатида сотиб олишга ҳақли, лекин «бунинг учун ижарага берувчининг рухсати бўлиши керак» деб аниқлик киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади.

— Қонунни албатта қабул қилиш керак, — деб ҳисоблайди «Ўзбекгазстрой» трестининг бошқарувчиси депутат **В. Содиқов**. — Лекин биз бунга тайёрмизми? Менимча, тайёр эмасмиз. Ахир ҳатто биринчи ўқишда ҳам ҳали ҳамма унинг моҳиятини тушуниб олгани йўқ. Ноаниқликлар кўп. Масалан, маҳаллий қишлоқ Советларининг мулки дегани нима? Район Советининг мулки-чи? Айтайлик, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи «Ферганаоргсинтез» бирлашмасига бўйсунади. Олтиариқ район ижроия комитетига бу корхонадан ҳеч қандай фойда йўқ, «Ферганаоргсинтез» эса олти миллион сўм даромад олади. Шунинг бирон қисми район Советига бериладими? Буларнинг ҳаммаси қонунда аниқ акс этган бўлиши керак. Корхона, аҳоли солиқларни ўз маҳаллий Советларига тўлашлари ва бу маблағлар ёрдамида шу жой обод қилиниши керак... Шунинг учун қонунни фақат биринчи ўқишда қабул қилишни таклиф этаман. Бу ерда киритилган аниқ таклифларни эса мутахассислар кўриб чиқиб, пухталаштирадилар ва пухталаштирилган лойиҳани кейинги сессияда бизга таклиф қиладилар.

— Мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳасини халқ депутатлари муҳокамасига қўйиш — жуда масъулиятли вазифа, — деди муҳокамани якунлаётиб, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири депутат **Э. Хўжаев**. — Бундай ҳужжатлар сокин кабинетларда қабул қилинадиган пайтлар ўтиб кетди. Мен — доимий комиссия раисининг ўринбосари, шу қонун лойиҳасининг муаллифларидан бириман. Ишга етакчи иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, министрликлар ва идораларнинг вакиллари жалб этилган эди. Дарҳақиқат, жумҳурият қонуни иттифоқ қонунига кўп жиҳатдан ўхшаб қолди. Лекин айни пайтда бизнинг лойиҳамиз кўпгина масалаларни янгича талқин этиши билан фарқланади, деб ҳисоблаймиз.

Қонун лойиҳасига корхоналар, министрликлар, илмий-текшириш муассасаларидан келган кўплаб таклифлар киритилди. Тушган барча янги таклифларни ҳам кўриб чиқишга тайёрмиз. Биз, ишчи гуруҳининг аъзолари барча депутатларни бирликка, оқилона ҳамкорликка ва қарорлар қабул қилишга чақирамиз.

Шундан кейин депутатлар Мулкчилик тўғрисидаги қонуннинг муҳокама қилинган лойиҳасини асос сифатида қабул қилдилар ва билдирилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, уни қайта ишлаш учун доимий комиссияга топширдилар.

(ЎзТАГ).





Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

I. Алоҳида район

Фалокатнинг белгилари ёнғин ва ур-йиқит изларида эмас. Уларнинг даҳшатини кейин ҳис қилади киши. Фалокат белгилари одамларнинг кўзларида ва қалбларида. Бошига бахтсизлик тушган кишининг кўриниши бошқача бўлади. Улар бошқачароқ ҳиссиётда бўлишади, бошқачароқ ўйлашади, атрофга бошқачароқ қарашади. Нигоҳлари маъюс, одимлари ҳам бошқача.

Андижонликлар бир фалокатни бартараф этишга, яқиндагина рўй берган ур-йиқитлар оқибатларини тугатмай туриб, янги таҳликага рўбарў бўлишди. Қирғизистоннинг Ўш областидаги тартибсизликлар андижонликлар учун дард устига чипқон бўлди.

Киши баданидаги жароҳат оғриқ берадиган ва хавфли нарса. Аммо табобат муолажалари ўз вақтида қўлланилса, жароҳат газак олиб кетмаслиги, оғриқни қолдириш, уни бутунлай даволаш мумкин.

Жамиятдаги жароҳат эса нафақат хавфли — бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бундай жароҳат жуда тез авжланади ва битиб кетиши узоқ, азобли бўлади. Инсон иҳтимоий мулоқотлар қуршовида яшайди. Қариндош-уруғчилик, меҳр-оқибат, эътиқод, касб-ҳунарга қизиқиш, меҳнат жабҳаси — бизни бирлаштирадиган бундай ришталар анчагина. Аммо қаердадир низо пайдо бўлдими, асрлар давомида йўлга қўйилган алоқалар ўз ижобий хусусиятларини йўқотади. Азобуқубат, умидсизлик, нафрат бош кўтаради. Қанчалар қаршилик кўрсатмагин, жароҳат ўз-ўзидан кенгаяверади.

Ҳали яқиндагина Фарғона водийсининг Ўзбекистон қисми ва Ўш области фақат маъмурий жиҳатдангина фарқланарди. Амалда эса, деярли ҳеч қандай фарқи йўқ эди. Дарёчанинг кўпригидан ўтдинг-ми, қўшни республикада кўрардинг ўзингни. Аммо тепангда ўша осмон, оёғинг остида ўша замин, атрофингда эса ўша одамлар. Турмуш тарзи, тирикчилик, дам олиш аснолари — хуллас ҳамма ерда умумийликнинг муқаррар белгилари кўзга ташланади. Андижон чўпонлари кўпдан бери ўз отарларини Ўш области тоғли районларининг яйловларида, Совет, Олой қирларида боқиб келишади. Асаларичилар эса ёз ойларида ўз асалари қутиларини ана шу жойларга ташиб келишади. Тоғларда ҳордиқ чиқариш, бир-бириникига меҳмондорчиликка боришларини айтмайсизми!..

Шунинг учун ҳам бир аъзога етказилган жароҳат бутун танага оғриқ беради. Қирғизистонда — Ўш шаҳри, Ўзган, Олой, Қорасув, Аравон районларида рўй берган тартибсизликлар Андижон областида, Наманган ва Фарғона областларининг қатор жойларида нотинчлик уйғотди. Қариндош-уруғлар ва яқинларининг тақдиридан хавотирланиш, жудолик мусибати, беқарорлик кескинликнинг кучайишига олиб келди. Вазият кўп ўтмай жиддий тус олди.

Узбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг Фармони билан Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Марҳамат, Пахтаобод, Хўжаобод районлари ва Андижон шаҳри ҳудудларида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Андижон областининг алоҳида райони коменданти милиция генерал-майори Ғ. Р. Раҳимов аҳолига мурожаат қилиб, уларни ақл-идрок билан иш тутишга, тинчлик ва интизомни сақлашга, ирғоғарлик чақириқларига учмасликка, жамоат тартибини бузишга йўл қўймасликка чақирди. Кўрилган тадбирлар муайян натижа берди.

Статистика рақамлари қуйидагича: Қирғизистон ҳудудида 180 дан ортиқ киши ҳалок бўлган, 1 минг 200 дан знёд киши яраланган. Лекин ҳатто бу рақамлар ҳам узил-кесил эмас. Воқеаларнинг гувоҳи бўлганлар билан суҳбатлар қурбонлар кўп бўлганлигидан дарак беради. Даранксиз йўқолганлар талайгина. Анчагина чўпонлар, асаларичилар тоғларда яккаю-ёлғиз фалокатга йўлиқишган. Уларнинг тақдирини билишга қачон муваффақ бўлинаркин?

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Г. Гусев бизни ахборот маълумотлари билан таништирар экан, ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари азият чекканларнинг миллати, ёши, жинси, қариндош-уруғлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи батафсил статистика маълумотлари тузаётганликларини таъкидлади. Бу, шубҳасиз тергов ишларига ёрдам беради. Шу билан бирга бу область аҳолиси орасида олиб борилаётган тушунтириш ишларига ҳам ёрдам беради: одамларга содир бўлган воқеалар тўғрисида ҳақиқатни айтиб бермасанг, бесаранжомликни тўхтатиб қолиш мумкин эмас. Шу жумладан, жиноятларнинг қурбонлари тўғрисидаги ҳақиқатни ҳам айтиш керак.

В. Г. Гусевнинг айтишига қараганда Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг ички ишлар министрликлари ўртасидаги ўзаро ҳаракат рўй берган вазият тақозоси билан эндигина йўлга қўйилмоқда. Ваҳолонки, аллақачон бўлар иш бўлиб бўлган!

Экстремал вазиятда барча хизматлар ва бўғинларнинг аниқ ҳамда баҳамжиҳат ишлашига эришиш қийин. Аслида ҳам оммавий тартибсизликлар билан боғлиқ бўлган вазиятда ҳамкорликда иш кўришга биринчи марта дуч келинганини очиқ айтиш керак. Аммо хатога йўл қўйиш, вазиятни қўлдан чиқариб юбориш, англашилмовчиликлар — булар меъдага тегиб кетган эски иллатлардир. Идоралар ўртасида ахборотлар алмашишнинг етишмаслиги (В. Г. Гусев айтиб берган воқеада бўлганидек) бу ҳам эски ашула. Телефонни қулоғига ёпиштириб олган раҳбарнинг диспетчерлик пунктида ўтириб вақтини исроф қилиши ҳам эски ашула. Масъул ишлари ошиб-тошиб ётган вилоят партия комитети котиби бутун юмушларини йиғиштириб қўйиб, турли томонларга телефон қилиб, даранксиз йўқолганларни қидириш учун йўл кўрсатиб борадиган одамни ахтаради. Ана шу мақсадда Ўшдан чақирилган вертолёт одамлари билан аэропортда кутиб тураверади. Вақт бой берилди, йўл кўрсатиб борувчи топилмади. Вертолёт одамлар билан тушлик қилиш учун Ўшга учиб кетади. Биз шунга ўхшаш бошқа ноқобилликларнинг ҳам гувоҳи бўлдик.

Лекин нима бўлганда ҳам алоҳида районда олиб борилаётган ниҳоятда қийин ишнинг, ҳолдан тойдирадиган ишнинг самараларини тан олмаслигимиз мумкин эмас.

Граждан авиациясининг учувчилари сабот-матонат билан, беминнат ишламоқдалар. Ҳаво кўприги орқали Қирғизистонга — жабрланганлар учун озиқ-овқат, дори-дармонлар, энг зарур буюмлар етказиб берилаётир. Бу ишларда ҳарбий вертолётчилар катта ёрдам кўрсатишмоқда.

Одамлар ҳар икки республиканинг чегарадош районларида тартиб ва хавфсизликни таъминлаётган жангчиларга миннатдорчилик билдирмоқдалар. Ваҳолонки, кейинги пайтларда армиядан озғириш сал бўлмаса «одат»га айлана бошлаганди. Ҳозир, фалокат рўй берганда ҳарбий кийимбошдаги киши ҳар бир кимсага ота-инниси...

...дек яқин бўлиб кетди. Биз турли одамлар оғзидан: ўғлимнинг армияга кетаётгани яхши бўлди, у ерда хавф-ҳатарсиз бўлади, деб очиқдан-очиқ айтилган сўзларни эшитдик.

Ҳуқуқ-тартибот органлари зиммасига катта масъулият тушди. Лекин ҳар қалай саросимага тушилмади. Тартибсизликлар Ўзбекистон ҳудудига ўтмаганлигида, ташвишли хабарлар юзага келтирган безовталиклар мушкул аҳволга олиб келмаганлигида уларнинг хизмати каттадир. Андижон области партия ва совет ходимлари ҳақида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва жумҳурият ҳукуматининг дастлабки ташвишли кунларда бу ерга етиб келган вакиллари тўғрисида илиқ гапларни айтгимиз келади. Биз бундай кишиларни ҳозир тортинмай-нетмай аппаратчилар, деб атаймиз, зўр бериб танқид қиламиз. Ахир айни шу аппаратчилар Ўшга зўр бериб интилган ғазабнок оломонга қарама-қарши турдилар. Улар одамларга аччиқ устида сиз ҳам жиноят қилманг, қон тўкилишининг олдини олинг, ҳиссиётларга берилманг, гиж-гижларга ишонманг, деб мурожаат қилдилар. Гиж-гижловчилар эса уларни гаровга олишга уририб кўрдилар. Айримлар калтак остида ҳам қолишди.

Аммо, улар саросимага тушишмади, қатъийлик кўрсатишди. Уларнинг чақириқлари ва далиллари қизиққонлик ҳамда портлаш хавфини туғдирадиган фитналардан устун чиқди.

Партия ходимлари биргаликда тушунтириш ишларини ташкил этиш учун диндорлар билан, турли ижтимоий ҳаракатлар билан мулоқотларни йўлга қўйишди. Мақсад — ҳам қўшни республикалар чегаралари яқинидаги районларда, ҳам Ўзбекистон заминида яшаётган қирғизларнинг хавфсизлигини таъминлаш эди. Ахир биргина Андижон вилояти ҳудудида 70 минг қирғиз яшашини айтиш кифоя. Шулардан ҳеч кимга жиддий азият етмади.

Аҳвол жуда-жуда мураккаб бўлишига қарамай, умуман олганда вазият назорат остида бўлди.

11 июнда вилоят партия комитетининг бюро мажлисида, 12 июнда Ўзбекистон ва Қирғизистон ССР жумҳурият ҳукумат комиссияларининг биргаликдаги мажлисида қарама-қарши туриш ва бебошликларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этишга уриниб кўрилди. Узил-кесил хулосалар қилишга ҳали эрта, лекин ҳозирдаёқ шу нарса аниқки, катта фалокат рўй берди, лекин уни икки халқ ўртасидаги, икки жумҳурият ўртасидаги низо, деб баҳолаш мумкин эмас. Халқлар айбдор эмас. Мудҳиш ҳаракатни режалаштирган ва амалга оширган, халқ мусибатидан сиёсий сармоя ундиришга интилган жиноий кучлар айбдордир. Тартибсизликларнинг ташкилотчилари фикрича қирғизлар ва ўзбеклар ўртасидаги низо бўлиб кўринши лозим бўлган воқеалар аслида яхшилик ва ёмонлик, қонун ва жиноятчилик ўртасидаги низодир.

Ўзбек ва қирғиз нимани талашишади? Ерни-ми? Давлат ҳудудини-ми? Ким туб ерли, ким келгинди принципи бўйича этник аф-

• АНДИЖОН—ЎШ: •

ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИКНИ ТИКЛАШ КЕРАК!

мотлари тузаётганликларини таъкидлади. Бу, шубҳасиз тергов ишларига ёрдам беради. Шу билан бирга бу область аҳолиси орасида олиб борилаётган тушунтириш ишларига ҳам ёрдам беради: одамларга содир бўлган воқеалар тўғрисида ҳақиқатни айтиб бермасанг, бесаранжомликни тўхтатиб қолиш мумкин эмас. Шу жумладан, жиноятларнинг қурбонлари тўғрисидаги ҳақиқатни ҳам айтиш керак.

В. Г. Гусевнинг айтишига қараганда Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг ички ишлар министрликлари ўртасидаги ўзаро ҳаракат рўй берган вазият тақозоси билан эндигина йўлга қўйилмоқда. Ваҳолонки, аллақачон бўлар иш бўлиб бўлган!

Экстремал вазиятда барча хизматлар ва бўғинларнинг аниқ ҳамда баҳамжиҳат ишлашига эришиш қийин. Аслида ҳам оммавий тартибсизликлар билан боғлиқ бўлган вазиятда ҳамкорликда иш кўришга биринчи марта дуч келинганини очиқ айтиш керак. Аммо хатога йўл қўйиш, вазиятни қўлдан чиқариб юбориш, англашилмовчиликлар — булар меъдага тегиб кетган эски иллатлардир. Идоралар ўртасида ахборотлар алмашишнинг етишмаслиги (В. Г. Гусев айтиб берган воқеада бўлганидек) бу ҳам эски ашула. Телефонни қулоғига ёпиштириб олган раҳбарнинг диспетчерлик пунктида ўтириб вақтини исроф қилиши ҳам эски ашула. Масъул ишлари ошиб-тошиб ётган вилоят партия комитети котиби бутун юмушларини йиғиштириб қўйиб, турли томонларга телефон қилиб, даранксиз йўқолганларни қидириш учун йўл кўрсатиб борадиган одамни ахтаради. Ана шу мақсадда Ўшдан чақирилган вертолёт одамлари билан аэропортда кутиб тураверади. Вақт бой берилди, йўл кўрсатиб борувчи топилмади. Вертолёт одамлар билан тушлик қилиш учун Ўшга учиб кетади. Биз шунга ўхшаш бошқа ноқобилликларнинг ҳам гувоҳи бўлдик.

Лекин нима бўлганда ҳам алоҳида районда олиб борилаётган ниҳоятда қийин ишнинг, ҳолдан тойдирадиган ишнинг самараларини тан олмаслигимиз мумкин эмас.

Граждан авиациясининг учувчилари сабот-матонат билан, беминнат ишламоқдалар. Ҳаво кўприги орқали Қирғизистонга — жабрланганлар учун озиқ-овқат, дори-дармонлар, энг зарур буюмлар етказиб берилаётир. Бу ишларда ҳарбий вертолётчилар катта ёрдам кўрсатишмоқда.

Одамлар ҳар икки республиканинг чегарадош районларида тартиб ва хавфсизликни таъминлаётган жангчиларга миннатдорчилик билдирмоқдалар. Ваҳолонки, кейинги пайтларда армиядан озғириш сал бўлмаса «одат»га айлана бошлаганди. Ҳозир, фалокат рўй берганда ҳарбий кийимбошдаги киши ҳар бир кимсага ота-инниси...

...дек яқин бўлиб кетди. Биз турли одамлар оғзидан: ўғлимнинг армияга кетаётгани яхши бўлди, у ерда хавф-ҳатарсиз бўлади, деб очиқдан-очиқ айтилган сўзларни эшитдик.

Ҳуқуқ-тартибот органлари зиммасига катта масъулият тушди. Лекин ҳар қалай саросимага тушилмади. Тартибсизликлар Ўзбекистон ҳудудига ўтмаганлигида, ташвишли хабарлар юзага келтирган безовталиклар мушкул аҳволга олиб келмаганлигида уларнинг хизмати каттадир. Андижон области партия ва совет ходимлари ҳақида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва жумҳурият ҳукуматининг дастлабки ташвишли кунларда бу ерга етиб келган вакиллари тўғрисида илиқ гапларни айтгимиз келади. Биз бундай кишиларни ҳозир тортинмай-нетмай аппаратчилар, деб атаймиз, зўр бериб танқид қиламиз. Ахир айни шу аппаратчилар Ўшга зўр бериб интилган ғазабнок оломонга қарама-қарши турдилар. Улар одамларга аччиқ устида сиз ҳам жиноят қилманг, қон тўкилишининг олдини олинг, ҳиссиётларга берилманг, гиж-гижларга ишонманг, деб мурожаат қилдилар. Гиж-гижловчилар эса уларни гаровга олишга уририб кўрдилар. Айримлар калтак остида ҳам қолишди.

Аммо, улар саросимага тушишмади, қатъийлик кўрсатишди. Уларнинг чақириқлари ва далиллари қизиққонлик ҳамда портлаш хавфини туғдирадиган фитналардан устун чиқди.

Партия ходимлари биргаликда тушунтириш ишларини ташкил этиш учун диндорлар билан, турли ижтимоий ҳаракатлар билан мулоқотларни йўлга қўйишди. Мақсад — ҳам қўшни республикалар чегаралари яқинидаги районларда, ҳам Ўзбекистон заминида яшаётган қирғизларнинг хавфсизлигини таъминлаш эди. Ахир биргина Андижон вилояти ҳудудида 70 минг қирғиз яшашини айтиш кифоя. Шулардан ҳеч кимга жиддий азият етмади.

Аҳвол жуда-жуда мураккаб бўлишига қарамай, умуман олганда вазият назорат остида бўлди.

11 июнда вилоят партия комитетининг бюро мажлисида, 12 июнда Ўзбекистон ва Қирғизистон ССР жумҳурият ҳукумат комиссияларининг биргаликдаги мажлисида қарама-қарши туриш ва бебошликларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этишга урриб кўрилди. Узил-кесил хулосалар қилишга ҳали эрта, лекин ҳозирдаёқ шу нарса аниқки, катта фалокат рўй берди, лекин уни икки халқ ўртасидаги, икки жумҳурият ўртасидаги низо, деб баҳолаш мумкин эмас. Халқлар айбдор эмас. Мудҳиш ҳаракатни режалаштирган ва амалга оширган, халқ мусибатидан сиёсий сармоя ундиришга интилган жиноий кучлар айбдордир. Тартибсизликларнинг ташкилотчилари фикрича қирғизлар ва ўзбеклар ўртасидаги низо бўлиб кўринши лозим бўлган воқеалар аслида яхшилик ва ёмонлик, қонун ва жиноятчилик ўртасидаги низодир.

Ўзбек ва қирғиз нимани талашишади? Ерни-ми? Давлат ҳудудини-ми? Ким туб ерли, ким келгинди принципи бўйича этник афларга эришиб, бор кучлари билан ошкоралик ғилдирагини айлантирмоқдалар. Аммо улар матбуот сўзининг кучи, эфирда янграган сўз фақат бунёдкорликка хизмат қилибгина қолмай, баъзи ўринларда вайрон этувчиликка хизмат қилиши ҳам мумкинлигини унутиб қўймоқдалар...

Қадим замонлардан бери Ўш области ҳудудида яшовчи ўзбеклар Қирғизистоннинг туб аҳолисидир, бизнинг ҳудудимизда яшаётган қирғизлар ҳам худди шунингдек, бизнинг туб ҳамюртларимиздир. Бу масалада тўқиб чиқарилган ҳар қанақанги текшириб кўришлар адолатсизлик, ирғоғарликдир. Айниқса, зўравонлик билан текшириб кўриш хавфлидир.

Табиийки, миллатчиликка берилиб, қонга-қон билан қасос олиш бориб турган адолатсизликдир.

Жумҳурият ва вилоят раҳбарияти шу кунларда халққа мурожаат қилаётганида таянаётган асосий далиллар ана шулардан иборатдир.

Бу далилларнинг адолатлилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Қирғизлар ғуж яшайдиган жойларда муҳофаза чоралари кўрилганига қарамай, қирғизлардан айримлари қасос олиниши мумкин, деган қўрқувда ўзларининг қадрдон жойларини ташлаб кетдилар. Хўжаобод районининг Хидиршо посёлкасида маҳаллий қирғизлар «Мундуз» сув иншоати территориясига бекиниб олдилар. Узбек ҳамюртлари эса ҳавфсизликни таъминлашга ишонтириб уларни уйларига қайтаришди. Ўш области территориясида яширинишни истаб 600 га яқин киши Жалолқудуқ районидаги «Коммунизм» колхозини ташлаб кетди. Меҳр-оқибат, тотувлик ҳақидаги далил-исботли гапларга қулоқ солиб, улар ҳам тез орада ўз жойларига қайтиб келишди.

Ҳужумлар, камситишлар, таҳқирлашларга учраган қочоқлар ваҳима ва кўзларида ёш билан бошларидан ўтганларни айтиб бермоқдалар. Ҳатто, улар ҳам оддий меҳнаткаш қирғизлар қароқчиларча ҳатти-ҳаракатларга ғазаб-нафрат билан муносабатда бўлганликларини, ҳамдардлик кўрсатганликлари, ёрдам беришга ҳаракат қилганликларини адолат ҳиссини йўқотмай таъкидламоқдалар.

Биз тинч мулоқот қандай йўлга қўйилаётгани ва ривожланаётганлигини кўрдик. Андижон областидан Ўш областига чорва молларини ташиш учун трасса йўли очилганлиги тўғрисида Совет районидан телеграмма келди. Ҳам йўлда, ҳам узоқ яйловларда андижонликларнинг хавфсизлиги таъминланади.

Пахтаобод ва Бозорқўрғон районлари чегарасида Сейдиқум совхозилик қирғизлар билан Ленин номли ва «Москва» колхозларининг ўзбеклари учрашишди. Учрашув ва батафсил ҳамда вазминлик билан ўтган суҳбат кечқурун меҳмондорчилик яраш оши маҳсулот план кўрсаткичидан 700 тонна ортиқ бўлди. Бир қатор районларда ғўза гул кўрсатди.

Тўсатдан бошга тушган қайғу-аламни ниҳоят эсдан чиқариб, ҳамма бутунлай кундалик тирикчилик ташвишларига берилса, яхши бўларди.

Аммо мияга зирапчадек кириб олиб, зирқиратаётган «Қандай қилиб бу воқеалар рўй берди?» деган саволдан қутулиш мумкин бўладими?

Ҳали ҳозир бунга жавоб олинмаган экан, рўй берган фалокат бу охиргиси, дейишга асос йўқ.

Содир қилинган жиноятларнинг сабаблари ва оқибатларини текшириб кўриш, унда қатнашган шахсларни ва воқеалар кўламини аниқлаш ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифасидир.

Лекин ҳозироқ, шу нарса тушунарлики, бу воқеалар обдон пухта тайёрланган. Бунда унинг ташкилотчилари икки томонлама бебошликлар бўлишига, қолаверса: жумҳуриятлар ўртасида гражданлар уруши чиқишига умид боғлашган. Ур-йиқитни улар бошлаб беришади-ю, бошқалар ур-йиқитчиларга қарши «салб юриши» билан жавоб берадилар. Шу тариқа тўс-тўполон чиқиб кетади.

Андижонликларнинг шарофати, вазминлиги билан «салб юриши» рўй бермади. Аммо, бундай хатти-ҳаракатни бошловчилар ўзларининг уюшқоқликлари даражасини шундоққина кўрсатиб қўйишди. Мана бир нечтагина мисол. Қасос олишга чақириқлардан жумбушга келган оломон тўпланади. Ҳокимият вакиллари, милиция билан жуда қийин фикр алмашув бормоқда. Кисавурлар, дайдилар шу заҳотиёқ пайдо бўлиб, митинг қилаётганларнинг чўнтакларини кавлаштириб юришибди.

Андижонда жумбушга келган оломон шаҳар марказида тўпланади. Жамоат тартибини муҳофаза қилувчи кучлар ҳам ана шу ерга келтирилади. Бу воқеалардан яхшигина хабардор бўлган жиноятчилар эса шаҳарнинг бошқа районларида бемалол ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатларини қиладилар.

Нима ҳам дердик, жиноятчилик оламида ахборот жуда тезлик билан тарқалади. Демак, ахборотларни тайёрлайдиган ақл маркази ҳам бор.

Воқеалар бир-бирига ўхшаб кетади. Қирғизистонда рўй берган тартибсизликларда ҳам пухта тайёргарлик сезилиб турибди. Биз фақат азият чекканларнинг гапларига асосланибгина эмас, балки, ўз кўзларимиз билан кўрган нарсаларга суяниб, ана шундай хулосага келдик.

Телбаликнинг олдини олиш мумкинмиди? Биз Андижон ва Ўш заминида суҳбат қилишга тўғри келган кўп одамларга ана шу саволни бердик. Улар берган жавоблар бизнинг фикримиз билан қарийб бир хил бўлди: мумкин эди.

Мумкин эдигина эмас, балки олдини олиш зарур эди. Маълумки, вилоят маркази чеккасидаги, Ленин номли колхозга қарашли бўлган дала атрофида бўлган тортишув Ўш области воқеасида «қўшнимнинг оши, уришнинг боши» ролини ўйнаган. Бу ерда колхозчи ўзбеклар билан шаҳарлик қирғизларнинг (улар далани хусусий уй-жой қуриш учун беришни талаб қилган эдилар) манфаатлари тўқнашади. Шундай фикр борки, авжига чиққан ҳиссиётлар вилоят бўйича тарқалган жиноятлар гулханини ёққан учқун хизматини ўтаган. Биз бу воқеани Ўшда рўй берган низонинг ҳақиқий сабаблари сирасига киради, деб ҳисоблаш фикридан йироқмиз. У ҳаммадан кўра баҳоналардан биридир. Аммо у ерда нима бўлганидан қатъи назар «учқун» унга порохли пликни келтириб тутгунларича жуда ҳам кўп вақт буруқсиб турган. Вазиятни билиб олишга, қарама-қарши туриш манбаларини кўздан кечиришга, муқаррар оқибатларни кўра билишга, тадбирлар қўллашга вақт бор эди.

Бандитларча ҳужум ва ур-йиқитлар 4—5 июнда бошланган. Бу орада «Ленинский путь» вилоят газетаси 31 майдаги сонидаёқ босилган «Ғавғо майдони» («Поле раздора») сарлавҳали материалда шаҳарликлар ва колхозчиларнинг 27 майда бўлиб ўтган жанжалли йиғини тўғрисида хабар берган эди. Шуни таъкидлаймизки: ана шу сана билан оммавий тартибсизликлар бошланиши орасида ўн кун ўтган. Бу муҳлат шошилинч чоралар кўриш учун етиб ортарди. Биринчи қон тўкилишидан бир неча кун муқаддам газета пишиб етилаётган низонинг илдизларини кўрсатиб берган эди.

Шаҳарликлар томонидан колхоз даласининг ўзбошимчаларча тортиб олиниши газета материалида таъкидланганидек, «табиийки, вилоят, Ўш, Қорасув райони раҳбарларини безовта қилди... Одамларни автобусларга ўтказиб, уйжой қуришда монеликсиз фойдаланиш мумкин бўлган ерларни кўрсатишди. Ерлар ёқмади. Одамлар илгариги жойга келиб: шу ерда қурилиш қиламиз, деб айтишди.

Вилоят партия комитетининг шошилинч чақирилган бюро мажлисида розилик берилди.

Бу орада далага қўшни бўлган ўзбек маҳалласида норозилик кучайиб борди... Бу ерда ҳали яқиндагина ўзбеклар яшашарди, кейинчалик улар ота-боболари хоки сақланаётган мозор ёнида жойлашган «Восточний» микрорайонига кўчирилдилар...

Ҳаммадан хавотирлиси шуки, митинг қилаётганлар ўз участкалари чегараларини белгиламоқчи бўлиб олиб келган қозиқлар сўйилга алмаштирилди, йигитлар қўлида темир найзалар, калтаклар, тормоз шланглари пайдо бўлди...».

Хуллас, рўй бериши мумкин бўлган мудҳиш воқеанинг белгилари очиқ кўриниб турарди. Буларга эътибор бермаслик учун ўз-ўзини хотиржам қилувчи кучли гипноз керак эди. Хатто бонг урган газета ҳам гипнозга учради: «Ғавғо майдони» сарлавҳали материал кўп ҳолларда ёзиладиган яхшилик билан якунланган: «... Асабий ҳолат сўнди, оломон тарқади, шаҳар ва вилоят раҳбарияти масала яқин вақт ичида ҳал этилади, деб митингчиларни ишонтирди».

Эндиликда бизга маълумки, яқин вақт ичида ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч қандай яхшилик рўй бермади.

Буни айблаш учунгина эмас, балки оғоҳлантириш учун айтаяпмиз: хатоларни такрорлаш мумкин эмас. Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг чегарадош районларида изга тушаётган вазият тўғрисида ҳозир ҳам хабарлар келиб турибди. Қанийди шундай бўлса! Бизнингча ҳақиқий изга тушишга хали анча бор. Одамлар қўрқувдан халос бўлишгани йўқ. Гиж-гижловчилар вазиятни издан чиқаришга уринаётганликлари сезилиб турибди.

Р. САФАРОВ,
Р. РАҲМОНОВ,
О. ФИЛИМОНОВ.

Андижон — Ўзган — Тошкент.

(Давоми бор).

СЎЗ САНЪАТКОРИНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ўзининг 70 ёшини умидворлик кайфиятида қаршн олди. Ярим асрлик адабий фаолияти давомида у жонажон ўлкадагина эмас, шу билан бирга ундан ташқаридa ҳам шуҳрат келтирган кўпгина асарлар яратди.

Адибнинг юбилейига бағишлаб Тошкентда бўлиб ўтган кечада сўз санъаткорининг ижодий йўли тўғрисида гапирилди. Кечага жамоатчилик вакиллари, адиб истеъдодининг муҳлислари, ҳамкасблар, дўстлар келишди.

Турмушнинг ранг-баранг қирраларини сўз билан баён эта олиш, китобхонда даҳлдорлик ҳиссини уйғотиш сингари фазилатлар ҳамиша ёзувчи Саид Аҳмадга хос хусусиятлар бўлиб келди, деб таъкидлашди кечада сўзга чиққан кишилар. Адиб асарларининг қаҳрамонлари меҳнатсеварлик, қувноқлик, лирик кайфият сингари ўзбек халқига хос хусусиятларни ўзига сингдирган. Ёш адиб 40-йилларнинг бошларидаёқ ўзининг дастлабки ҳикоялари билан китобхонлар эътиборини жалб қилган.

Муаллиф ўша пайтдан бошлаб бадиий наср жанрида самарали ижод қилиб келмоқда. Саид Аҳмад яратган йирик асарлар орасида «Ҳукм» ва «Суд» қиссалари бор. Адиб «Уфқ» трилогияси учун Ҳамза номли Узбекистон ССР давлат мукофотига сазовор бўлди. Унинг «Келинлар кўзғолони» комедияси айниқса зўр муваффақият қозонди. Ҳозирги вақтда ушбу асар мамлакатимиз ва ҳорижий театр сахналарида муваффақият билан қўйилмоқда. Бунда ҳажвчи ва нозик дидли, инсон характерининг билимдони бўлган Саид Аҳмаднинг истеъдоди ёрқин намоён бўлди.

Кечада Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг табрик телеграммаси, СССР Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа қардош жумҳуриятлардаги ҳамкасбларнинг табрикномалари ўқиб эшиттирилди.

Юбилей кечасида Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков иштирок этди.

СПОРТ

ЧИМ ХОККЕЙ:

КУЧЛИЛАР ДАВРАСИДА

Аёллар олий лига командалари ўртасида навбатдаги тур учрашувлари ўтказилди, Тошкент областининг «Политотдел» хоккейчилари Гродно шаҳрининг «Ритм» коллективини қабул қилиб, 2:0 ва 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. «Андижанка» қизлари икки учрашув ўтказдилар. Чунончи, Москва областининг «Спартак — Редники хоккейчиларини 1:0 ва 2:1 ҳисобида енгишган бўлса, Бокунинг «Связист» командасидан (1:0 ва 0:0) очколар олдилар. Бухоронинг «Технолог» хоккейчилари ҳам бўш келишмаяпти. Улар «Андижанка» хоккейчилар учрашган коллективлари билан ўйинда икки ғалаба ва икки дуранг натижа билан ўз ҳисобларига қимматли очколар ёзишди. Ҳозир Борисполнинг «Колос» командаси 13 очко билан олдинда боряпти. «Андижанка», «Технолог», «Политотдел» командалари қолган уч ўринни эгаллаб туришибди.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДАВЛАТ СУҒУРТАСИДАГИ ЯНГИЛИК!

1990 ЙИЛ 1 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ҚУРИЛИШ ОТРЯДЛАРИДА ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ТАЛАБАЛАР ВА ЎҚУВЧИ-ЕШЛАРНИ ЖАМОА ҲОЛИДА СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

Бундай суғурта тури олий ўқув юртларининг талабалари, техникумлар, билим юртлари ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига тегишлидир.

Шартнома бир йил давомида амал қилади.

Суғурта пули — ҳар бир суғурта қилинувчи учун 3500 сўм.

Суғурта бадали — қурилиш отрядларининг ҳар бир иштирокчиси учун — 6 сўм, қишлоқ хўжалик ишларининг ҳар бир иштирокчиси учун — 4 сўм.

Хўжалик ташкилоти барча суғурта қилинувчиларнинг фамилиялари ёзилган рўйхатнинг бир нусхасини ва улар учун тўланиши лозим бўлган суғурта бадалини Давлат суғурта инспекциясининг банкдаги счётига ўтказади.

Суғурта пули ёки унинг тегишли қисми суғурта қилинувчи қурилиш отрядида ёки қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этаётган пайтида юз берган қуйидаги суғурта ҳодисалари:

жароҳатланиш;
тасодифан ўткир заҳарланиш;
баҳорги-ёзги энцефалит;

суғурта қилинувчи ўлганда (бу ҳолда суғурта пулини суғурта қилинувчининг болалари ёки ота-онаси, ёки умр йўлдоши олади) тўланади.

Суғурта шартлари билан батафсил танишмоқчи бўлсангиз, жумҳурият Давлат суғуртасининг исталган инспекциясига мурожаат қилишингиз мумкин.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗНИНГ НИКОҲ ШОДИЕНАСИ КУНИГА ТУЗИЛГАН СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ —

ЭНГ АВВАЛО, БУ МУҲИМ ВОҚЕАГА САЛМОҚЛИ ЖАМҒАРМА ТЎПЛАШ ДЕМАКДИР.

Бундай шартномани 15 ёшдан ошмаган боланинг ота-оналари, боболари ва бувилари, шунингдек бошқа қариндошлари тузишлари мумкин.

Суғурта пули — 300 сўмдан кам бўлмаслиги лозим.

Суғурта бадаллари суғурта қилдирувчининг ёши, суғурта муҳлати ва суғурта пули билан боғлиқ ҳолда (икки баравар суғурта пули тўлаш шарт қилиб қўйилган) «С», «С—2» ва (уч баравар суғурта пули тўлаш шарт қилиб қўйилганда) «С—3» тарифлари бўйича ҳисобланади.

Шартномада келишилган пул миқдори бола улғайиб қонуний никоҳга кирган ёки 21 ёшга тўлган кунида унга тўланади. Кейинги ҳолда суғурта пули 9 фоизга ошириб тўланади.

Бундан ташқари, суғурта қилинган боланинг соғлигига (суғурта қоидаларида кўрсатилган) жароҳатлар ва айрим касалликлар оқибатида путур етган ҳолларда унга суғурта пули ёки унинг бир қисми тўланади.

Жумҳуриятимиздаги исталган давлат суғурта инспекциясида янада тўлароқ маълумот олишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИ. «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1-МОНТАЖ-ТЕХНОЛОГИЯ УЧАСТКАСИ

ҳар қандай сиғимдаги «Квант» маркали квазиэлектрон АТСЭларни монтаж қилиш, созлаш ва уларга техника хизмати кўрсатиш **ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ**

Участка бутун ишлар комплекси бажарилган тақдирдагина сифатли техника хизмати кўрсатилишини кафолатлайди.

48-25-20, 77-03-70 телефонларига қўнғироқ қилинсин.

Н. И. ВАВИЛОВ НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ

полиз экинлари бўйича кичик илмий ходим бўш лавозимига

**КОНК